

ЎЗБЕК ИБОРАЛАРИ

- АБЖАҒ(И) ЧИҚДИ 1 қаттиқ жароҳатламоқ. 2 сифатини йўқотиб, яроқсиз ҳолга келтирмоқ.
- АВЖГА МИНМОҚ юқори даражага кўтарилмоқ.
- АВЗО(Й)(И) БУЗИЛДИ важоҳати ёмонлашди.
- АДАБ(И)НИ БЕРМОҚ қилмишига яраша жазоламоқ.
- АДИ-БАДИ АЙТИШМОҚ 1 турли мавзуда енгил-елпи суҳбатлашмоқ. 2 сўз талашмоқ, жанжаллашмоқ.
- АЖАЛ(И)ДАН БЕШ КҮН БУРУН қазо қилишининг ўз вақти-соатидан илгарироқ, бевақт.
- АЗОБ ЧЕКМОҚ қийналмоқ.
- АЙБГА ҚҶШМАСЛИК айбли деб ҳисобламаслик.
- АЙТМОҚҚА ОСОН бажариш қийин; айтиш бошқа-ю, амалга ошириш бошқа.
- АЛАМДАН ЧИҚМОҚ уриб-сўкиб, ўч олиб, аламзадаликни тарқатмоқ.
- АЛАНГА ОЛМОҚ кучаймоқ, зўраймоқ, шиддатли тус олмақ ("ғазабни", "нафрати").
- АЛИК ОЛМОҚ саломилашганда жавоб сўзини айтмоқ.
- АЛИХЎЖА—ХЎЖААЛИ бари бир, ҳар икки ҳолатда ҳам ўзгариш йўқ.
- АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН жуда эски, қадимги.
- АЛОҚА(СИ)НИ УЗМОҚ муомалада бўлишни узил-кесил тўхтатмоқ.
- АМАЛГА МИНМОҚ юксак лавозимни эгалламоқ.
- АМАЛДАН ТУШМОҚ эгаллаб турган лавозимини йўқотмоқ.
- АМАЛ ТЕГДИ мансабдор бўлиб қолимоқ.
- АМРИ МАҲОЛ қийин.
- АНДОЗА ОЛМОҚ намуна сифатида қабул қилмоқ.
- АНҚОНИНГ ТУХУМИ топилиши қийин, камёб.
- АРАВА(СИ)НИ ТОРТМОҚ 1 жўнаб қолимоқ. 2 бошқанинг ишига аралашгунча, ўзи қодир ишни қилавермоқ.
- АРАВЕНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧМОҚ улдасидан чиқа олмайдиган иш ёки нарса ҳақида ортиқ даражада мақтанмоқ.
- АРПА(СИ)НИ ХОМ ЎРМОҚ [...ўрди(м)ми?] нима ёмонлик қилди?!
- АРҚОННИ УЗУН ТАШЛАБ ҚҶЙМОҚ бирор ишнинг ривожланишига аралашмай, маълум муддат ўз ҳолига қўйиб бермоқ.
- АСАКА(СИ) КЕТАРМИДИ?! бирор нарса йўқотармиди?! ҳеч нарса йўқотмас эди!
- АСАР ҚОЛМАДИ бутунлай, изсиз йўқолмоқ.
- АСТАР-АВРА(СИ)НИ АҒДАРМОҚ барча кирдикорларини очиб ташламоқ.
- АФТ(И)ГА ҚАРАБ БҶЛМАЙДИ бош-кўзи ниҳоятда лой, чанг-тўзон.
- АЧЧИҒИДАН ТУШМОҚ аччиқланишдан тўхтамоқ.
- АЪЗОЙИ БАДАН(И)ДАН СОВУҚ ТЕР ЧИҚИБ КЕТДИ руҳиятида жуда кескин ўзгариш содир бўлди—руҳиятини жуда кескин ўзгартирди.
- АҚЛ БИТМАДИ ақл билан иш қиладиган бўлмаслик.

- **АҚЛДАН ОЗМОҚ** жинни бўлмоқ, телба бўлмоқ.
- **АҚЛ(И) КИРДИ** 1 эс-хушли бўлмоқ. 2 англамоқ, тушунмоқ.
- **АҚЛ(И)ГА СИҒМАСЛИК** воқе бўлиши мумкин эмас деб билмоқ, хаёлан ҳам тасаввур қилмаслик.
- **АҚЛ(И)НИ ЕМОҚ** мияси ишламай қолди, фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ.
- **АҚЛ(И)НИ ТАНИМОҚ** эс-хушли бўлмоқ.
- **АҚЛИ РАСО** чуқур фикр юритадиган, чуқур билимли.
- **АҚЛ-У ХУШ(И) ЖОЙИГА КЕЛДИ** ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқара оладиган даражага қайтмоқ.
- **АҚЛ-У ХУШ(И)НИ ЙЎҚОТМОҚ** ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқара олмайдиган даражага етмоқ.

Б

- **БАЖО КЕЛТИРМОҚ** 1 бажармоқ. 2 ўринлатмоқ (ижобий).
- **БАЛАНДДАН КЕЛМОҚ** имконият доирасидан орттириб гапирмоқ.
- **БАЛАНД ДОРГА ОСИЛМОҚ** мавқеи ўзидан анча юқори оилага қуда бўлиш (қиз танлаш, йигит танлаш) ниятини билдирмоқ.
- **БАЛАНД КЕЛМОҚ** 1 кучли бўлиб чиқмоқ. 2 дўқ, пўписа билан енгишга интилмоқ.
- **БАЛОГА ҚОЛМОҚ** жавобгарликка, жазога дучор бўлмоқ.
- **БАРАКАСИ УЧДИ** кескин камаймоқ.
- **БАРДОШ БЕРМОҚ** чидамоқ.
- **БАРМОҚ БИЛАН САНАРЛИ** жуда оз, бир неча.
- **БАРМОҒ(И)НИ ТИШЛАМОҚ** 1 ҳеч нарса қилолмай, натижага эришолмай лол қолмоқ. 2 афсусланмоқ.
- **БАРҚ УРМОҚ** яшнамоқ, жиололанимоқ.
- **БАРҲАМ БЕРМОҚ** онгли аралашув билан бартараф қилмоқ, йўқ қилимоқ.
- **БАРҲАМ ТОПМОҚ** онгли аралашувсиз, ўз-ўзича бартараф бўлмоқ, йўқ бўлмоқ.
- **БАХТГА ҚАРШИ** кутилганнинг акси бўлиб; афсуски.
- **БАХТ(И) ОЧИЛДИ** 1 Оила қуриб, ширин, осойишта ҳаёт кечириш чоғига етишмоқ (аёлларга нисбатан ишлатилади). 2 ҳаётида хурсандлик, мамнунлик ҳолатига эришмоқ.
- **БАХТ(И) ҚОРА** ҳаёти хорлик-зорлик билан, азобда ўтадиган.
- **БАҒР(И) КЕНГ** 1 меҳр-илтифоти ортиқ даражада. 2 ҳамма паноҳ топиб кетадиган.
- **БАҒР(И) ТОР** 1 меҳр-илтифоти етарли эмас. 2 ҳаммага ҳам паноҳ топилавермайдиган.
- **БАҒРИ ТОШ** бемеҳр, илтифотсиз.
- **БАҒРИ ҚОН** ғам-аламли, ғам-аламда.
- **БАҲО БЕРМОҚ** қадр-қийматини белгиламоқ, баҳоламоқ.
- **БАҲО(СИ) ЙЎҚ** 1 сифати, ҳолати юксак даражада яхши. 2 хулқ-атвори, одамгарчилиги ҳавас қиладиган даражада яхши.

- БАҲРА ОЛМОҚ манфаат кўрмоқ, фойдаланмоқ.
- БЕЛ БОҒЛАМОҚ 1 шайланмоқ, отланмоқ. 2 астойидил киришмоқ. 3 аҳд қилмоқ.
- БЕЛ(И)ГА ТЕПМОҚ исталмаган, кутилмаган ўринда халал етказмоқ.
- БЕЛ(И)ДА БЕЛБОҒ(И) БОР ғурурини йўқотмаган, ўз қадр-қиймати учун курашадиган, иззат-нафсининг таҳқирланишига йўл қўймайдиган.
- БЕЛИ СИНДИ инқирозга учрамоқ.
- “БЕРДИ”СИНИ АЙТГУНЧА УРИБ ЎЛДИРМОҚ гапириб бўлгунча кутмай (чидамай) бирор нарса демоқ.
- БЕТГА ЧОПАР юз-хотир, андиша қилмай, кўнгли оғрийди демай шартта гапирадиган.
- БЕТ(И)ГА ТУПУРМОҚ назар-писанд қилмаслигини, менсимаслигини кўпол равишда рўй-рост билдирмоқ.
- БЕТ(И)ГА ҚАРАМАСЛИК муомалада бўлишни истамаслик.
- БЕТ(И)ДАН ЗАҲАР ТОМАР ЭДИ қаҳр-ғазаби юз-кўзида бўртиб намоён бўлар эди.
- БЕТ(ИНГ) ҚҮРСИН қарғишни билдиради (асосан аёллар нутқида ишлатилади).
- БЕТ(И) ҚАТТИҚ гап-сўз, танбеҳ таъсир қилмайдиган, сурбет.
- БЕТ(И) ҚОТИБ ҚОЛГАН гап-сўз, танбеҳ таъсир қилмайдиган бўлиб қолимоқ, сурбет бўлиб қолимоқ.
- БЕШ КҮНЛИК ДУНЁ тез ўтиб кетадиган қисқа умр.
- БИНО ҚҪЙМОҚ 1 ўзига ортиқча баҳо бермоқ, юксак фикрда бўлимоқ. 2 қиёфасига алоҳида эътибор бермоқ. 3 эътиқод билан қарамоқ.
- БИР БАЛО БЎЛДИ бирор таъсир натижасида салбий ўзгариш рўй берди.
- БИР БАЛО ҚИЛИБ қандайдир йўл билан, бир иложини топиб.
- БИР ГАП БЎЛАР чораси, иложи топилар.
- БИР ГАПДАН ҚОЛМОҚ жанжал, айтишув давомида мухолифнинг ёмон гапига яраша жавоб беришдан тийилимоқ.
- БИР ДУНЁ жуда кўп.
- БИР ЁСТИҚҚА БОШ ҚҪЙМОҚ оилавий ҳаёт кечирмоқ.
- БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРМОҚ ҳамжиҳат бўлимоқ, яқдил бўлимоқ.
- БИР(И) ИККИ БЎЛМАДИ рўзғори бут бўлмаслик, моддий қийинчиликдан қутилмаслик.
- БИР-ИККИ ЯКТАКНИ ОРТИҚРОҚ ЙИРТГАН ёши каттароқ, турмуш тажрибаси кўпроқ.
- БИР(И)НИ АКА, БИР(И)НИ УКА ДЕБ катта-кичик ҳаммага бирдек яхши муомала қилиб.
- БИР ИШ ИККИ БЎЛДИ меҳнат-машаққат ортди, кўп куч сарфлаш зарурияти туғилди.
- БИР КЎЗ БИЛАН ҚАРАМОҚ бирор томонга ён босмай, холис, бетараф муомала-муносабатда бўлимоқ.
- БИР ОВОЗДАН 1 яқдиллик билан, ҳамжиҳатлик билан. 2 қарши чиқувсиз (овозга қўйишда).
- БИРОР ЖОЙ(И) КАМИБ ҚОЛАРМИДИ?! ҳеч нарса йўқотмаслик, зарар кўрмаслик.

- **БИР ОҒИЗДАН** 1 якдўлик билан, ҳамжиҳатлик билан, 2 қарши чиқувчисиз (озозга қўйишда).
- **БИР ПУЛ** 1 қадр-қийматсиз. 2 фойдаси йўқ.
- **БИР СЎЗ(И) ИККИ(ТА) БЎЛМАДИ** айтгани бажарилди.
- **БИР СЎЗЛИ** айтганини амалга оширадиган, ўз қарорини ўзгартирмайдиган.
- **БИР ЧАҚАГА ОЛМАСЛИК** назар-писанд қилмаслик, менсимаслик, ўзига тенг кўрмаслик.
- **БИР ЧЎҚИШДА ҚОЧИРМОҚ** жуда устун чиқмоқ, осонликча енгмоқ.
- **БИР ҚАТОРГА ҚЎЙМОҚ** тенг деб билимоқ, тенглаштирмоқ.
- **БИР ҚОП ЁНҒОҚДАЙ ШАЛДИР-ШУЛДУР** бор гапни очиққўнгиллилик, хушчақчақлик билан тўкиб соладиган.
- **БИР ҚОШИҚ СУВ БИЛАН ЮТ(ИБ ЮБОР)ГУДАЙ** беқиёс гўзал, ниҳоятда дилрабо.
- **БИР ҲИСОБДА** маълум даражада, озми-кўпми ҳисобга солинса.
- **БОЗОР БАҲОСИ** ҳамма қатори, ҳеч ён босмай; бошқаларга қандай бўлса, унга ҳам шундай (муомала қилмоқ).
- **БОЗОРГА СОЛМОҚ** 1 сотиш мақсадида фазилатларини намоён қилмоқ. 2 ҳусн-латофатини кўз-кўз қилиб, диққатни жалб қилмоқ.
- **БОЗОР(И) ЧАҚҚОН** талабгори кўп.
- **БОРИГА БАРАКА** мавжуд, нақд нарсасига қаноат қилиш ва шунинг етарли бўлишини исташ.
- **БОР ОТАНГА, БОР ОНАНГА** сансалорлик билан овора қилишни билдиради.
- **БОСАР-ТУСАР(И)НИ БИЛМАСЛИК** кеккайиб, манманликка берилиб, назар-писанд қилмай қўймоқ.
- **БОШДАН ОЁҚ** тўла-тўқис, бус-бутун.
- **БОШ(И) АЙЛАНДИ** 1 беҳуд бўлмоқ; мувозанатини йўқотмоқ. 2 эсанкирамоқ.
- **БОШИ БЕРК** ноаниқ, туманли, охири кўринмаган.
- **БОШИ БЕРК КЎЧА** мушкул аҳвол.
- **БОШ(И) БИЛАН ШЎНҒИ(Б КЕТ)МОҚ** бутунлай берилиб, яқиндан қатнашмоқ.
- **БОШ(И) БОҒЛИҚ** эрга бериш келишиб қўйилган, унаштирилган.
- **БОШ(И)ГА БИТГАН БАЛО БЎЛМОҚ** қўтилиш қийин бўлган ортиқча ташвиш, дахмаза бўлмоқ.
- **БОШ(И)ГА ЕТМОҚ** йўқ қилмоқ, ҳалок қилмоқ.
- **БОШ(И)ГА КЎТАРМОҚ** 1 қаттиқ шовқин қилмоқ. 2 юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ.
- **БОШ(И)ГА СУВ ҚЎЙМОҚ** амалидан, обрў-эътиборидан маҳрум қилмоқ; йўқ бўлиб кетиш даражасига етказмоқ.
- **БОШ(И)ГА ЧИҚИБ ОЛМОҚ** хўжайин бўлиб олмоқ, ҳукмрон ҳолатга етишмоқ.
- **БОШ(И)ДА ЁНҒОҚ ЧАҚМОҚ** ортиқ даражада азобламоқ, қийнамоқ.
- **БОШ(И)ДА КАЛТАК СИНДИ** зарбага ноҳақ дучор бўлмоқ.
- **БОШ(И)ДАН КЕЧМОҚ** 1 ўз ҳаётида кўрмоқ, ҳис қилмоқ. 2 маълум

бир муддат фикрламоқ.

- БОШ(И)ДАН КЕЧМОҚ II ўлимга рози бўлмоқ.

- БОШ(И)ДАН ОШИБ ЁТМОҚ ортиқ даражада, бениҳоят кўп (иш).

- БОШ(И)ДА ТЕГИРМОН ТОШИ ЮРГИЗМОҚ ортиқ даражада азобламоқ, қийнамоқ.

- БОШ(И) ЁСТИҚҚА ЕТГАНДА касал бўлиб ётиб қолганда.

- БОШ(И) ИККИ[ТА] БЎЛДИ уйланмоқ.

- БОШ(И) КАЛ БЎЛСА ҲАМ, КЎНГЛ(И) НОЗИК арзимаган нарсадан хафа бўлиб қоладиган, жиртаки одамга қарата айтилади.

- БОШИНГДАН ОРДОНА ҚОЛСИН сен ўлгин-у, эгасиз қолсин (аёлларнинг қарғиши).

- БОШ(И)НИ ЕМОҚ йўқ қилмоқ, ҳалок қилмоқ.

- БОШ(И)НИ КЎТАРИБ ЮРА ОЛМАСЛИК номус кучлилиқ қилиб, одамлар орасида бўлишдан қаттиқ ҳижолат тортмоқ.

- БОШ(И)НИ ОЛИБ бутунлай ташлаб ва қайтмас бўлиб.

- БОШ(И)НИ СИЛАМОҚ 1 кафт юргизиб, эркаламоқ, суймоқ, юпатимоқ. 2 ғамхўрлик қилмоқ, сийламоқ, ҳаётини енгиллаштириш йўлида ёрдам бермоқ.

- БОШ(И)НИ ТУТМОҚ ўз фаолияти учун мувофиқ деб танлаб амал қила бошламоқ.

- БОШ(И)НИ ҚАЁҚҚА УРМОҚ[?] нима илож қилмоқ[?], иложини қандай топмоқ[?].

- БОШ(И) ОМОН тирик, ўлиб кетмаган.

- БОШ(И) ОСМОНДА ниҳоятда хурсанд.

- БОШ(И) ОЧИҚ эрга тегмаган ёки эрдан ажралган, эри йўқ.

- БОШ(И) ОҚҚАН рўпара келган, ўйлаб кўрилмаган ("томон")

- БОШ(И) ТОШДАН туриш машаққатларига бардошли.

- БОШ(И) ҚОРОНГИ (аёлнинг) ҳомиладорлиқнинг дастлабки ойларида ниманидир кўнгли тусаш ҳолати.

- БОШ КЎТАРИБ ЮРМОҚ ўзини ҳалол, покиза, бошқаларга тенг деб билиб, кишилар орасида ҳижолат тортмай яшамоқ.

- БОШ ОҒРИГИ ортиқча ташвиш, дахмаза.

- БОШ ЭГМОҚ 1 итоаткор бўлмоқ. 2 итоат қилмоқ, бўйсунмоқ.

- БОШ ҚОТИРМОҚ астойидил ўйламоқ, чуқур фикрламоқ.

- БОШ ҚЎШМОҚ 1 аралашмоқ. 2 қатнашмоқ.

- БОҒДАН КЕЛСА (...), ТОҒДАН КЕЛМОҚ суҳбатдошининг гапига ҳеч алоқаси йўқ гап-сўз айтмоқ.

- БУЗОҚНИНГ ҲАҚИ БОР ДЕБ СИГИРНИНГ СУТИНИ ИЧМАСЛИК бировнинг ҳақиға заррача хиёнат қилмаслик.

- БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ КЎРПАНИ КУЙДИРМОҚ арзимаган нарсани деб жаҳл устида ножўя, зарарли ишни қилиб қўймоқ.

- БУРГА ТЕПДИМИ? енгил-елпи касалландинг[из]ми?

- БУРД(И) КЕТДИ ишонч эътиборини йўқотмоқ.

- БУРН(И)ДАН ИП ЎТКАЗИБ ОЛМОҚ ўз измига юрадиган, итоаткор қилиб олмақ.

- БУРН(И)НИ ЕРГА ИШҚАМОҚ қаттиқ жазоламоқ. (дўқ)

- **БУРН(И)НИ ТИШЛАМОҚ** кутганича бўлмагани туфайли рухий азоб чекмоқ.
- **БУТУН БОШЛИ** кап-катта.
- **БЎЗЧИННИНГ МОКИСИДАЙ** тўхтовсиз кўп марта.
- **БЎЙ(И)ДА БЎЛМОҚ** ҳомиладор бўлмоқ.
- **БЎЙ(И) ЕТДИ** ёши оила қуриш даражасига бормоқ (қизларга қарата).
- **БЎЙИН БЕРМАСЛИК** итоат қилмаслик, бўйсунмаслик; рози бўлмаслик.
- **БЎЙИН ТОВЛАМОҚ** амалга ошириши лозим бўлган ишни бажаришдан бош тортмоқ.
- **БЎЙН(И)ГА ОЛМОҚ** 1 эътироф қилмоқ. 2 бирор ҳолатга рози бўлмоқ, кўнмоқ. 3 бирор ишни бажаришга рағбатланмоқ, бирор ишни бажаришга масъул бўлмоқ.
- **БЎЙН(И)ГА ТУШМОҚ** юкланмоқ.
- **БЎЙН(И)ГА ҚЎЙМОҚ** 1 (айбни) тўнкамоқ, ағдармоқ. 2 исботлаб эътироф қилдирмоқ. 3 (бирор ишни) бажаришга рози қилмоқ.
- **БЎЙН(И)ДАН СОҚИТ ҚИЛМОҚ** ўзини жавобгарликдан холи қилмоқ.
- **БЎЙНИ ЙЎҒОН** бақувват, кучга тўлган, зўравон.
- **БЎЛМАГАН ГАП** шундай бўлиши мумкин эмас, шундай дейишга асос йўқ.
- **БЎРИ ЕБ КЕТАРМИДИ?!** ҳеч нарса бўлмайди, ҳеч нарса қилмайди, қўрқадиган ҳеч нарса йўқ.
- **БЎШ КЕЛМОҚ** бўшанглик қилмоқ, қатъият билан ҳимоя қилмаслик, чекинмоқ, енгилмоқ.

В

- **ВАЖ КЎРСАТМОҚ** ўз хатти-ҳаракатларини оқлайдиган шунчаки далил, баҳона келтирмоқ.
- **ВАЪДА БЕРМОҚ** аҳд қилганини айтмоқ.
- **ВАҚТИ-ВАҚТИ БИЛАН** маълум бир муддат оралатиб.
- **ВАҚТИ КЕЛГАНДА** ўз фурсати билан.
- **ВАҚТ(И) ЧОҒ** кайфияти яхши.
- **ВАҲИМАГА ТУШМОҚ** қўрққан ҳолда ўйланиб қолмоқ.

Г

- **ГАДОЙ ТОПМАС** топиб бориш жуда қийин бўлган.
- **ГАП БЎЛМОҚ** салбий муҳокама, миш-миш объекти бўлмоқ.
- **ГАПГА СОЛМОҚ** маълумот олиш мақсадида гапиртирмоқ.
- **ГАПГА ТУТМОҚ** гап билан банд қилиб турмоқ.
- **ГАП ЕМОҚ** улфатларнинг ўйин-кулги билан тўкин-сочин ўтказиладиган меҳмондорчилигида қатнашмоқ.
- **ГАП(И)ДА ЖОН БОР** баъзи фикрлари асосдан ҳоли эмас.
- **ГАП(И)ДАН ҚАЙТМАСЛИК** айтган фикрини зарур бўлган ўринда тасдиқламоқ, унга амал қилмоқ.
- **ГАП(И)ДА ТУРМОҚ** I аҳдини сақламоқ. II сўз(и)да қаттиқ турмоқ.

- **ГАП(И)НИ БЎЛМОҚ** бирор киши нутқини ўз сўзлари билан ноўрин тўхтатмоқ.
- **ГАП(И)НИ ЕРГА ТАШЛАМАСЛИК** айтганини инobatга олмоқ, амалга оширмоқ.
- **ГАП(И)НИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙМОҚ** ҳаяжонланиб, айтиб турган фикрини давом эттиролмай эсанкирамоқ.
- **ГАП(И)НИ ОҒЗ(И)ДАН ОЛМОҚ** бошқа кишини гапиргани қўймай ўзи гапирмоқ.
- **ГАП(И)НИ ҚУЛОҚҚА ОЛМОҚ** айtilган фикрга амал қилиб иш тутмоқ.
- **ГАП(И)И ОҒЗ(И)ДА ҚОЛДИ** гапини охиригача етказа олмаслик.
- **ГАП КЕЛГАНДА** бирор фикрни айтиш учун қулай, мос шарoит туғилиб қолганда.
- **ГАП КОВЛАМОҚ** бўлиб ўтган ишлар тўғрисида ёмон ният билан гапирмоқ.
- **ГАП КЎТАРА ОЛМАСЛИК** ўз шаънига айtilган ҳар қандай танқидий мулоҳазага жиззакилик қилмоқ.
- **ГАП(ЛАРИ) БИР ЖОЙДАН ЧИҚДИ** фикр-ўйлари мос келди.
- **ГАПНИ АЙЛАНТИРМОҚ** суҳбатдошининг фикрини билиш, ундан маълумот олиш мақсадида қайта-қайта ўсмоқчилаб гапирмоқ.
- **ГАПНИ БОШҚА ЁҚҚА БУРМОҚ** чалғитиш мақсадида тўсатдан янги мавзуга ўтмоқ.
- **ГАПНИ БУРМАСЛИК** бошқача талқин беришдан тийилмоқ.
- **ГАПНИ ИЛИБ КЕТМОҚ** фикрни охиригача етказишга имкон бермай, ўзи давом эттирмоқ.
- **ГАПНИНГ ПЎСКАЛЛАСИ** фикрнинг лўнда хулосаси.
- **ГАПНИ ПИШИТИБ ҚЎЙМОҚ** олдиндан маслаҳатлашиб, бир фикрга келиб қўймоқ.
- **ГАПНИ ЧЎРТ КЕСМОҚ** бирор фикр охирига етмасдан унга ўз сўзларини кескин равишда киритмоқ.
- **ГАП ТЕГДИ I** гапиришга имкон берилди.
- **ГАП ТЕГДИ II** танбеҳ эшитмоқ.
- **ГАП ЭШИТМОҚ** танбеҳ, койиш сўзларини тинглашга мажбур бўлмоқ.
- **ГАП ЎРГАТМОҚ** бирор шарт-шарoитда нима деб гапириш бўйича кўрсатмалар бермоқ.
- **ГАП ҚАЙТАРМОҚ** 1 жавоб қилмоқ, 2 эътироз жавобини бермоқ, айтишмоқ.
- **ГАП ҚИСТИРМОҚ** бирор кишининг нутқи давомида шу нутқни бўлувчи сўз-гап илова қилмоқ.
- **ГАРДАН(И)ГА ЮКЛАМОҚ** бирор ишни бажаришга мажбур қилмоқ.

Д

- **ДАБДАЛА(СИ) ЧИҚДИ** 1 сифатини йўқотиб, яроқсиз ҳолга келмоқ, 2 янчиб ташламоқ.
- **ДАВР СУРМОҚ** 1 (“ҳукмдор”) ҳукмиронлик қилиб роҳат-фарoғатда яшамоқ, 2 ўз эрки билан яшаб, меҳнатининг натижасидан тўлиқ

баҳраманд бўлмоқ.

- **ДАККИ БЕРМОҚ** ножўя иши, хатти-ҳаракати учун аччиқ гап, танбеҳ сўзлари айтмоқ.

- **ДАККИ ЕМОҚ** ножўя иши, хатти-ҳаракати учун аччиқ гап, танбеҳ сўзлари эшитмоқ.

- **ДАЛДА БЕРМОҚ** куч-ғайрат, сабр-матонат, мардлик кабилар бахш этувчи, руҳни кўтарувчи маънавий ёрдам бермоқ, илиқ сўзлар айтмоқ.

- **ДАМ ЕМОҚ** дамлангандан кейин ўз бўғи билан етилмоқ.

- **ДАМ(И)ДА ОШ ПИШАДИ** ўта даражада кеккайиб, кибр-ҳаволи бўлмоқ.

- **ДАМ(И) ИЧ(И)ДА** ошкор бўлишдан қўрқиб гапирмаслик; имконсизликдан бирор нарса дея олмаслик.

- **ДАМ(И)НИ ИЧ(И)ГА ЮТМОҚ** ҳеч қандай товуш чиқармаслик.

- **ДАМ(И) ЧИҚМАДИ** ҳеч нарса демаслик, индамаслик.

- **ДАМ ОЛМОҚ** истироҳат қилмоқ.

- **ДАМ ЎТМАЙ** жуда қисқа вақт оралиғида.

- **ДАРД(И)ГА ДАРМОН БЎЛМОҚ** бошига мушкул иш тушганда қўллаб-қувватламоқ.

- **ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН БЎЛДИ** мавжуд ғам-алами устига устак янги ғам-алам қўшилди.

- **ДАРЁДАН БИР ТОМЧИ** қолган қисмига нисбатан мутлақо оз.

- **ДАРС БЕРМОҚ** 1 ўқув юртида машғулот олиб бормоқ. 2 ўргатишга қодир бўлмоқ.

- **ДАШНОМ БЕРМОҚ** ножўя иши, хатти-ҳаракати учун аччиқ гап, танбеҳ сўзлар айтмоқ.

- **ДИД(И) БАЛАНД** гўзалликни, нафисликни ҳис этиши ўта тараққий қилган.

- **ДИД(И)ГА ЎТИРМАСЛИК** ёқинқирамаслик, маъқул келмаслик.

- **ДИЛ(И) СИЁҲ БЎЛДИ** хафа бўлмоқ.

- **ДИМОҒ(И) БАЛАНД** кибр-ҳаволи, кеккайган, калондимоғ.

- **ДИМОҒ(И)ДАН ЭШАК ҚУРТИ ЁФИЛАДИ** ўта даражада кеккайиб, кибр-ҳаволи бўлмоқ.

- **ДИҚҚАТ(И)НИ ТОРТМОҚ** назарини, фикрини қаратмоқ.

- **ДОД(И)НИ БЕРМОҚ** 1 ҳаққоний равишда жазоламоқ. 2 қириб ташламоқ, кўплаб ўлдирмоқ. 3 мағлуб қилмоқ, қаторасига ютмоқ. 4 оҳ-воҳ қилишга олиб келмоқ.

- **ДОНГ(И) КЕТДИ** маълум-машҳур бўлмоқ.

- **ДОҒДА ҚОЛМОҚ** бирор нарсанинг кутилганча бўлмагани туфайли ўкинмоқ, аламзада бўлмоқ.

- **ДОҒ ТУШДИ** ижобий ҳолатга, мавқега зарар етди.

- **ДУМ(И)НИ ТУТМОҚ** қайтмас қилиб ҳайдамоқ, қувмоқ.

- **ДУМ(И)НИ ТУТҚИЗМАСЛИК** яқинига йўлатмай, кўринмай юрмоқ.

- **ДУНЁГА КЕЛМОҚ** 1 туғилмоқ. 2 пайдо бўлмоқ, яратилмоқ.

- **ДУНЁДАН КЕТМОҚ** қазо қилмоқ, ўлмоқ.

- **ДУНЁДАН КЎЗ(И) ОЧИҚ КЕТМОҚ** қаноат ҳосил қилмай, рози бўлмай ўлмоқ.

- **ДУНЁДАН ТОҚ ЎТМОҚ** умрини турмуш қурмай ўтказмоқ.

- **ДУНЕНИНГ АЧЧИҚ-ЧУЧУГИНИ ТОТГАН** ҳаётида турли-туман ҳодисаларга дуч келиб, ижобий-салбий нарсаларни кўриб тажриба ортирган.
- **ДУНЕНИ ОСТИН-УСТУН ҚИЛМОҚ** ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юбормоқ.
- **ДЎППИ(СИ)НИ ОСМОНГА ОТМОҚ** жуда хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ.
- **ДЎППИ ТОР** имкониятлар жуда чекланиб қолган.
- **ДЎППИ ТОР КЕЛДИ** илож-имконсиз оғир аҳволга тушмоқ.

Е

- **ЕГАН(И) ОЛД(И)ДА, ЕМАГАН(И) КЕТ(И)ДА** фаровон ҳаёт кечириш учун ҳамма нарса керагидан ортиқ муҳайё.
- **ЕГАН-ИЧГАН(И) ИЧ(И)ГА ТУШМАДИ** нотинч, бегоҳат бўлгани учун изтироб чўлмоқ.
- **ЕЛКА(СИ)ГА МИНИБ ОЛМОҚ** ўз ҳуқини ўтказмоқ, измига тушириб олмақ.
- **ЕЛКА(СИ) ЕРГА ТЕГМАГАН** сира енгилмаган, доим ютиб чиққан, тенг келувчи топилмаган.
- **ЕЛКА(СИ)НИНГ ЧУҚУРИ КЎРСИН!** яна қайтадан ҳеч қачон кўрмаслик.
- **ЕНГИЛ НАФАС ОЛМОҚ** кўрқув аралаш ҳаяжонни бир оз босиб олмақ.
- **ЕНГИЛ ТАБИАТ** енгилтак, суяқ.
- **ЕНГИЛ ТОРТМОҚ** 1 руҳий азобланиш тарқад. 2 касаллиги енгиллашди.
- **ЕНГ ИЧИДА** кўпчиликка ошкор қилмай, зимдан.
- **ЕНГ ШИМАРМОҚ** бирор юмушни бажаришга тахт бўлмоқ, бирор ишни қилишга отланим.
- **ЕР БИЛАН БИТТА БЎЛМОҚ** сочилиб кетмоқ, бетартиб ҳолда сочилиб ётмоқ.
- **ЕРГА УРМОҚ** ортиқ даражада камситмоқ.
- **ЕРГА ҚАРАМОҚ** уят-номусдан бош кўтаролмайдиган ҳолатга тушмоқ.
- **ЕРДА ҚОЛМОҚ** эътиборсиз қолмоқ.
- **ЕР ЁРИЛМАДИ-Ю, ЕРГА КИРИБ КЕТМАСЛИК** номус қилганидан ўзини қаёққа олиб қочишни билмаслик.
- **ЕР-КЎККА ИШОНМАСЛИК** ўта даражада ардоқламоқ, парвона бўлмоқ.
- **ЕР ТАГИДА ИЛОН ҚИМИРЛАСА, БИЛМОҚ** ниҳоятда зийрак, сезгир.
- **ЕР ТИШЛАМОҚ** ўлмоқ.
- **ЕР ЧИЗМОҚ** ноқулай аҳволга тушиб, ҳижолат бўлиб бошини қуйи эгмоқ.
- **ЕР ҲАЙДАМОҚ** экин экиш мақсадида ер сатҳини махсус асбоб билан ағдариб юмшатиш.
- **ЕТТИ ПУШТИ** бир неча бўғин аجدодлари ёки авлод-аждодлари.
- **ЕТТИ УХЛАБ ТУШ(И)ГА КИРМОҚ** мутлақо ўйламаслик, кутмаслик.
- **ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСМОҚ** ниҳоятда эҳтиёткорлик (тадбир) билан иш кўрмоқ.
- **ЕТТИ ҚОВУН ПИШИҒИ** бир қанча йилга тенг муддат.

Ё

- **ЁД(И)ДАН КЎТАР(ИЛ)МОҚ** унуттирмоқ; унутмоқ.
- **ЁД ОЛМОҚ** айнан айтиб бериш даражасида эсида сақламоқ.
- **ЁЛФИЗ ҚЎЛЛИК ҚИЛМОҚ** бирор иш-юмушни бажаришда ёнига тушадиган кишисига эга бўлмаслик.
- **ЁМОН ЙЎЛГА КИРИБ КЕТМОҚ** хулқ-атвори ёмон томонга ўзгариб, ножўя, ярамас хатти-ҳаракатлар қила бошламоқ.
- **ЁМОН КЎЗ БИЛАН ҚАРАМОҚ** 1 ҳирс билан назар ташламоқ (эркак киши аёл кишига). 2 камситишга, таҳқирлашга яқин муносабатда бўлмоқ.
- **ЁН(И)ГА КИРМОҚ** қўллаб-қувватлаб ёрдамлашмоқ.
- **ЁН(И)НИ ОЛМОҚ** баҳслашувчи томонлардан бирини ҳимоя қилмоқ, қувватламоқ.
- **ЁПИҚЛИ ҚОЗОН ЁПИҚЛИГИЧА ҚОЛДИ** яширин нарса ошкор бўлмай, яширилигича қолди.
- **ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗМОҚ** муҳтожлигини кўриб, кўмаклашишга тайёр эканини билдирмоқ.
- **ЁРУФ ДУНЁГА ЧИҚМОҚ** эркин, озод ҳаётга етишмоқ.
- **ЁСТИФ(И) ҚУРИДИ** бутун оиласи билан ўлдириб юборилди.
- **ЁТИБ ҚОЛГУНЧА, ОТИБ ҚОЛМОҚ** охириги имкониятдан ҳам фойдаланиш мақсадида ҳаракат қилмоқ.
- **ЁШ(И) ЎТДИ** ёшлик даври тугаб, кексалик даври бошланди.
- **ЁҚА(СИ)НИ УШЛАМОҚ** ниҳоят даражада ажабланмоқ.
- **ЁҒ ТУШСА—ЯЛАГУ[Н]ДЕК** 1 ниҳоят даражада ("тоза"). 2 ниҳоятда тоза.

Ж

- **ЖАБР КЎРМОҚ** ноҳақ равишда адолатсизликка йўлиқмоқ, азобга қолмоқ.
- **ЖАВОБ(И)НИ БЕРМОҚ** 1 (ёлланувчини) қувмоқ, ҳайдаб юбормоқ. 2 эр-хотинлик ҳолатини бекор қилишга розилик бермоқ, қўймоқ.
- **ЖАВОБ ОЛМОҚ** 1 сўроқ бериб, бирор маълумот олмақ. 2 бирор масала қандай ҳал этилгани ҳақида хабарга эга бўлмоқ. 3 бирор ишни қилишга рухсат олмақ.
- **ЖАВОБ ҚАЙТАРМОҚ** 1 жавоб қилмоқ ("сўроққа"). 2 жавоб хати йўлламоқ.
- **ЖАЗАВА(СИ) ТУТДИ** жаҳл-ғазаби жўш уриб, ўзини тута олмайдиган ҳолатга етмоқ.
- **ЖАЗО(СИ)НИ БЕРМОҚ** қилишига яраша жазоламоқ.
- **ЖАНЖАЛ КЎТАРМОҚ** бирор нарсани баҳона қилиб бақириб-чақирмоқ, низоли ҳолатни юзага келтирмоқ.
- **ЖАР СОЛМОҚ** 1 жарчи воситасида эшиттирмоқ. 2 керагидан ортиқ даражада бўрттириб хабар тарқатмоқ.
- **ЖАҒ(И)ДА ЖАҒ ҚОЛМАДИ** ваъз-насиҳат қилишдан чарчамоқ.
- **ЖАҲЛ(И) БУРН(И)НИНГ УЧИДА ТУРАДИ** арзимаган нарсадан ҳам

тезда тутакиб аччиқланмоқ.

- **ЖИГАР(И)ДАН УРМОҚ** ўзига шайдо қилиб олмоқ. (салбий)
- **ЖИЛОВ(И)НИ БЎШ ҚЎЙМОҚ** хатти-ҳаракатини тежаб-тергамай, ўз ихтиёрини ташлаб қўймоқ.
- **ЖИЛОВИ(И)НИ ТОРТИБ ҚЎЙМОҚ** тартибга чақирмоқ, чек-чегарадан чиқиб кетишига йўл қўймаслик.
- **ЖИЛОВ(И) ҚЎЛ(И)ДА** назоратидан ҳоли эмас, эркин ҳаракат қилиш имконияти чекланган.
- **ЖИЛОВНИ ҚЎЛГА ОЛМОҚ** ўз изми билан идора қилиш, йўлга солиб туриш ҳуқуқини ихтиёрига ўтказмоқ.
- **ЖИЛОВНИ ҚЎЛДАН БЕРМОҚ** ўз изми билан идора қилиш, йўлга солиб туриш ҳуқуқини ихтиёридан кетказмоқ.
- **ЖИН(И) СУЙМАЙДИ** таъбига тўғри келмаслик.
- **ЖИРИ БОР** қўр-қутли, давлатманд.
- **ЖИҒИБИЙРОН(И) ЧИҚДИ** беҳад норози бўлиб, ниҳоятда тутакиб гапирмоқ.
- **ЖИҒ(И)НИ ЭЗМОҚ** жисмоний зарба бериб, ночор, абгор ҳолатга туширмоқ.
- **ЖОН АЧЧИҒИДА** 1 ўлимга қарши курашиш истаги билан, ўлимдан сақланиш умиди билан. 2 хавф-хатардан сақланиш ҳисси билан жуда кескин ҳаяжонланган ҳолда.
- **ЖОН ДЕБ** мамнуният билан.
- **ЖОН БЕРМОҚ** I ҳаёт бағишламоқ.
- **ЖОН БЕРМОҚ** II 1 ўлмоқ, сўнгги марта нафас чиқармоқ. 2 курашни қаршилиқни тўхтатмоқ.
- **ЖОН-ЖОН(И)ДАН ЎТИБ КЕТМОҚ** 1 жисмонан аламли таъсир қилмоқ, қақшатмоқ. 2 руҳан аламли таъсир қилмоқ.
- **ЖОН(И) АЧИ(Й)ДИ** 1 аяб куйинмоқ. 2 ачиниб куйинмоқ.
- **ЖОН(И)ГА ОРО КИРМОҚ** 1 бир ўлимдан қутқариб қолмоқ. 2 оғир аҳволдан қутқариш.
- **ЖОН(И)ГА ТЕГМОҚ** 1 безор қилмоқ. 2 безор бўлмоқ, зерикмоқ.
- **ЖОН(И)ДА ЖОН ҚОЛМАДИ** азоб чекавериш ниҳоят даражада қийналиб кетмоқ.
- **ЖОН(И)ДАН УМИД(И)НИ УЗМОҚ** ўлишига иқдор бўлмоқ.
- **ЖОН(И) КИРДИ** яйрамоқ, роҳатланмоқ.
- **ЖОН(И)НИ КОЙИТМОҚ** бирор ишни куйиб-пишиб, ўзини уринтириб бажармоқ.
- **ЖОН(И)НИ БЕРМОҚ** ҳар қандай оғир шартни, талабни бажаришга тайёр бўлмоқ.
- **ЖОН(И)НИ ЖАББОРГА БЕРМОҚ** бор кучини сафарбар қилгани ҳолда фаолият кўрсатмоқ.
- **ЖОН(И)НИНГ БОРИЧА** куч-қуввати етганича тиришиб.
- **ЖОН(И)НИ ТИКМОҚ** бутун куч ва имкониятини, ҳатто ҳаётини бағишламоқ.
- **ЖОН(И)НИ ФИДО ҚИЛМОҚ** ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлмоқ.
- **ЖОН(И)НИ ҚЎЯРГА ЖОЙ ТОПОЛМАСЛИК** жисмоний азобдан ниҳоят даражада бетоқат бўлмоқ.

- **ЖОН(И)НИ ҲАМ АЯМАСЛИК** бирор мақсад йўлида ўлишга ҳам тайёр бўлмоқ.
- **ЖОН(И)НИ ҲОВУЧЛАБ** бирор фалокатнинг воқе бўлишидан бениҳоя кўрққан ҳолда.
- **ЖОН(И) ОМОН ҚОЛДИ** ўлимдан қутулиб қолмоқ.
- **ЖОНИ УЗИЛДИ** ўлмоқ, сўнгги марта нафас чиқармоқ.
- **ЖОНИ ЧИҚДИ** ўлмоқ, сўнгги марта нафас чиқармоқ.
- **ЖОН(И) ЧИҚДИ** ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ.
- **ЖОН(И) ҲАЛАК** куйиниб ташвишда; безовта бўлгани сабабли ҳаловати йўқ.
- **ЖОН(И) ҲАЛҚУМИГА КЕЛДИ** 1 ўлар ҳолатга етмоқ. 2 чидам тугаб, яшашдан ҳам безор бўлиб кетмоқ.
- **ЖОН КҮЙДИРИБ** машаққатни ўз устига олган ҳолда, тиришиб (ишламоқ).
- **ЖОН ОЛИБ, ЖОН БЕРМОҚ** ўз жонини ҳам аямасдан оғир ва машаққатли кураш олиб бермоқ.
- **ЖОН-ПОН(И) ЧИҚИБ КЕТДИ** ниҳоятда қаттиқ кўрқмоқ.
- **ЖОН САҚЛАМОҚ** 1 ҳаётини ўлимдан ҳимоя қилмоқ, ўлимдан омон қолмоқ. 2 қақшатқич зарбадан, оғир жазодан қутулиб қолмоқ. 3 маълум вақт ўзини ноқулай шароитдан олиб қочмоқ.
- **ЖОН ҲОЛАТДА** кўрққан ҳолда ва шиддат билан.
- **ЖУФТАКНИ РОСТЛАМОҚ** жуда тез қочиб қолмоқ, зудлик билан кўздан ғойиб бўлмоқ.

3

- **ЗАБТИГА ОЛМОҚ** жуда кучайиб кетмоқ. (ёгин, шамол).
- **ЗАРБА БЕРМОҚ** 1 ҳамла қилиб, жисмонан кучсизлаштирмоқ, шикаст етказмоқ. 2 қарши ҳаракат билан мавқеини, аҳамиятини заифлаштирмоқ, маънавий жиҳатдан шикаст етказмоқ.
- **ЗЕБ БЕРМОҚ** турли кийим ва тақинчоқлар ёрдамида кўркем қилмоқ.
- **ЗЕҲН(И) ЎТКИР** идрок қилиш, фаҳмлаш қобилияти одатдаги даражадан кучли.
- **ЗЕҲН СОЛМОҚ** диққат эътибор билан қарамоқ, кўздан кечирмоқ.
- **ЗИММА(СИ)ГА ОЛМОҚ** 1 бирор ишни бажаришга рағбатланмоқ, бирор ишни бажаришга масъул бўлмоқ. 2 бирор ишни бажаришга розилик бермоқ. 3 бирор "чиқим"ни қошламоқ, тўламоқ.
- **ЗОТ(И) ПАСТ** оддий насл-насабга мансуб, аждодлари обрў-эътиборга эга бўлмаган.
- **ЗЎР КЕЛМОҚ** 1 кучли бўлиб чиқмоқ. 2 оғирлик тушади.
- **ЗОҒ УЧРАМАЙДИ** бирорта ҳам одам кўринмайди.
- **ЗУВАЛАСИ ПИШИҚ** аъзойи бадани чиниққан.

И

- **ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИМОҚ** кўп куч ва вақт талаб қиладиган

машаққатли меҳнатни бажармоқ.

- **ИЗГА СОЛМОҚ** четга чиқишлар бартараф бўлиб, нормал ҳолатга келтирмоқ.
- **ИЗЗАТИ НАФС(И)ГА ТЕГМОҚ** камситадиган гап-сўз, иш қилмоқ.
- **ИЗ(И)ДАН ТУШМОҚ** қаерга борса, зимдан таъқиб қилиб бормоқ.
- **ИЗТИРОБ ЧЕКМОҚ** руҳан эзилмоқ.
- **ИККИ ГАПНИНГ БИРИДА** гап давомида дам-бадам, қайта-қайта ("гапирмоқ").
- **ИККИ ДУНЁ БИР ҚАДАМ** ҳар қанча масофа ҳам чўт эмас.
- **ИККИ ЖАҲОН ОВОРАСИ БЎЛМОҚ** на у ёқли, на бу ёқли бўла олмаслик, икки ўртада сарсон-саргардон бўлмоқ.
- **ИККИ ЭНЛИК** қисқагина (хат).
- **ИККИ ҚУЛОҒИМ СЕНДА (СИЗДА)** гапингни диққат билан тинглашга тайёрман.
- **ИККИ ҚЎЛЛАБ** ҳеч қандай эътирозсиз ва хурсандчилик билан.
- **ИЛДИЗ(И)ГА БОЛТА УРМОҚ** йўқ қилиб юборадиган зарба бермоқ.
- **ИЛДИЗ ОТМОҚ** 1 тараққий этиб, чуқур кириб бормоқ. 2 мустаҳкам ўрнашиб олмақ.
- **ИЛОННИНГ ЁҒИНИ ЯЛАГАН** жуда айёр, муғомбир, қув.
- **ИЛОН ПЎСТ ТАШЛАЙДИ** чидай олмаслик, тоқат қилиб тура олмаслик ("гап"га).
- **ИМЗО ЧЕКМОҚ** ўз қўли билан фамилиясини ёки шунинг шартли ишорасини ёзмоқ.
- **ИМОНСИЗ КЕТМОҚ** имондан маҳрум бўлиб, кофир бўлиб ўлмоқ.
- **ИНОБАТГА ОЛМОҚ** ҳисоблашиш лозим деб билмоқ.
- **ИПИДАН ИГНАСИГАЧА** бутун тафсилоти билан, майда-чуйдасигача, батафсил.
- **ИП ЭША ОЛМАСЛИК** бутунлай тенглаша олмаслик, заррача қадр-қийматга эга бўлмаслик.
- **ИСКАНЖАГА ОЛМОҚ** қаттиқ тергаб, сиқув билан оғир аҳволга солмоқ.
- **ИССИҚ ЎРН(И)НИ СОВИТМОҚ** қулай, шароти яхши ердан кетказмоқ.
- **ИТ АЗОБИДА** ўта қийналган ҳолатда.
- **ИТ ЁТИШ, МИРЗА ТУРИШ** яшаш учун ҳеч қандай қулайликлар йўқ.
- **ИТ(И)НИНГ ТУВАГИ ТИЛЛАДАН БЎЛИБ КЕТДИ** бойлиги ошиб-тошиб кетмоқ.
- **ИТ КЎНИНИ БОШ(И)ГА СОЛМОҚ** жуда оғир машаққатни, таҳқирлашни бошидан кечиришига олиб келмоқ.
- **ИТ ҲАМ, БИТ ҲАМ** ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши, полойиқ кишилар ҳам. (менсимаслик ҳам билдирилади)
- **ИХЛОС ҚЎЙМОҚ** эътиқод билан қарамоқ.
- **ИЧ(И)ГА ЧИРОҚ ЁҚИЛГАНДАЙ БЎЛДИ** кўнглидаги ғашлик тарқади.
- **ИЧ(И)ГА ЮТМОҚ** яширмоқ, пинҳон тутмоқ.
- **ИЧ(И)ДАН ПИШГАН** фикр-ўйини, сирини ҳеч кимга билдиримайдиган.
- **ИЧ(И)НИ МУШУК ТАТАЛАЯПТИ** яширин ҳолда руҳан безовталанмоқ, ташвишланимоқ.
- **ИЧ(И) ПИШДИ** 1 руҳан безовта бўлмоқ, дилгир бўлмоқ. 2 сабри тугаб,

руҳан бетоқат бўлмоқ.

- ИЧ(И) ҚИЗИДИ 1 қизиқиш уйғонди. 2 зеркиб сиқилмоқ.
- ИЧИ ҚОРА ёмон ниятли, бошқаларга яхшилиқни раво кўрмайдиган.
- ИЧ-ЭТИНИ ЕМОҚ руҳан азобланмоқ, эзилмоқ (фикр-уйини бошқаларга айтмай).
- ИШ БИТМАЙДИ мақсад, муддао амалга ошмайди.
- ИШ(И) ТУШДИ бирор иш юзасидан муомалада бўлмоқ, бирор масала юзасидан мурожаат қилмоқ.
- ИШТАҲА КАРНАЙ БЎЛДИ еб-ичиш истаги жуда кучайди.
- ИШТАҲА(СИ) ОЧИЛДИ еб-ичиш истаги пайдо бўлди.
- ИШҚ(И) ТУШДИ севиб қолмоқ.

Й

- ЙЎЛ БОШЛАМОҚ қаёққа боришини кўрсатиб ўзи юра бошламоқ.
- ЙЎЛГА КИРМОҚ юриб кетмоқ, юришни ўрганмоқ. (гўдакнинг дастлабки қадам қўйишига нисбатан).
- ЙЎЛГА ЧИҚМОҚ жўнаб кетмоқ, равона бўлмоқ.
- ЙЎЛДАН ТОЙМОҚ ёмон йўлга кирмоқ, айнаймоқ.
- ЙЎЛДАН УРМОҚ ёмон йўлга бошламоқ, айнитмоқ.
- ЙЎЛДАН ҚЎЙМОҚ кетаётган кишини бирор сабаб билан тўхтатмоқ.
- ЙЎЛ(И)НИ ТОПИБ ОЛМОҚ (... ТОПИБ КЕТМОҚ) ҳаётини тўғри изга тушириб олмоқ.
- ЙЎЛ(И)НИ ТЎСМОҚ бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишда монелик қилмоқ.
- ЙЎЛ(И) ОЧИҚ эрки ўз қўлида, хоҳлаган ишини қилиши, хоҳлаган ерига кетавериши мумкин.
- ЙЎЛ ЙЎҚ мумкин эмас, таъқиқ остига олинган.
- ЙЎҚНИ ЙЎНДИРМОҚ ҳар қанча машаққат билан бўлса ҳам, бунёд қилмоқ.

К

- КАВУШ(И)НИ ТЎҒРИЛАБ ҚЎЙМОҚ ҳайдаб юбормоқ.
- КАЙФ(И) БУЗУҚ кайфияти ёмон, хафа.
- КАЙФИНИ СУРМОҚ яхши таъсиридан вужуди яйраб роҳатланмоқ.
- КАЙФ(И) УЧДИ қаттиқ чўчиш билан қўрқмоқ.
- КАЛЛАСИ ИШЛАЙДИ яхши фикрлайди.
- КАЛАВА(СИ)НИНГ УЧИНИ ЙЎҚОТМОҚ қилиб турган ишини билмай қолмоқ, гангимоқ.
- КАЛЛА(СИ)НИ ОЛСА (...) ҲАМ ҳар қандай таҳдидга, жазо хавфига қарамай.
- КАТТА БОШ(И)НИ КИЧИК ҚИЛМОҚ ёши, мартабасига қарамай ўзини камтар тутмоқ.
- КАТТА КЎЧА қаёққа хоҳласанг(из), кетавер(инг).
- КАТТА ОҒИЗ БЎЛМОҚ имтиёзли мавқега эга бўлмоқ. (кинояли).

- **КЕК САҚЛАМОҚ** ёмонлик кўргани, дили оғригани сабабли гинахон бўлиб юрмоқ.
- **КЕТИ УЗИЛМАДИ** узоқ вақтгача бирин-кетин келиб турмоқ.
- **КЕЧ КИРДИ** кундуз тугаб, қоронғилик туша бошлади.
- **КИНДИК ҚОН(И) ТЎКИЛГАН** туғилган.
- **КИЧИК КЎНГИЛ** кишининг кўнглига озор беришни истамайдиган.
- **КУЛИНИ КЎККА СОВУРМОҚ** бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ.
- **КҮН БЕРМАСЛИК** чиқиштирмаслик; таъбини хира қиладиган, оёйишталигини бузадиган ҳаракатлар қилмоқ.
- **КҮН ЁЙИЛДИ** қуёш нуридан атроф ёриди.
- **КҮН(И) ЕТДИ** ўладиган вақти келди.
- **КҮН ЙЎҚ** тинчлик бермаслик, тинч ҳаёт кечиришига йўл қўймаслик.
- **КУРАҚДА ТУРМАЙДИГАН** 1 айтиб бўлмас даражада беибо (сўз). 2 бутунлай номуносиб, номаъқул (гап).
- **КУЧ ИШЛАТМОҚ** жисмоний зарба бермоқ.
- **КЎЗГА ИЛИНАРЛИ** диққат-эътиборга лойиқ.
- **КЎЗГА КЎРИНАРЛИ** маълум қийматга эга, гапирса арзийдиган.
- **КЎЗГА ЯҚИН** чиройи билан диққатни ўзига тортадиган, кўркамли.
- **КЎЗ(И)ГА ЁШ ОЛМОҚ** кучли ҳаяжонланиш, тўлқинланиш натижасида кўздан нам чиқармоқ.
- **КЎЗ(И)ГА ИССИҚ КЎРИНМОҚ** 1 танишдек туйилмоқ. 2 ўзига тортмоқ, ёқимли бўлмоқ.
- **КЎЗ(И)ГА ҚОН ТЎЛДИ** кучли ғазабланганидан кўзлари қизариб, аламли, ўч олиш ҳолатига етмоқ.
- **КЎЗ(И) ИЛИНДИ** мизғимоқ.
- **КЎЗ(И) КЎР, ҚУЛОҒ(И) КАР** ҳеч нарсадан беҳабар.
- **КЎЗ(И)НИ БАҚРАЙТИРИБ** кўриб-билиб турганини писанд қилмай, сурбетлик билан.
- **КЎЗИНИ БИЛМОҚ** усталик билан бажара олмоқ.
- **КЎЗ(И)НИ ЁҒ БОСДИ** такаббурланмоқ; таниб танимаганга олмоқ.
- **КЎЗ(И)НИНГ ОҚ-У ҚОРАСИ** якка-ю ягона ва қадр-қиммати юксак.
- **КЎЗ(И)НИ ОЛИБ ҚОЧМОҚ** назарини бошқа кишининг назари билан учраштирмасликка ҳаракат қилмоқ.
- **КЎЗ(И)НИ ЧИРТ ЮМИБ** таваккал қилиб.
- **КЎЗ(И)НИ ШАМҒАЛАТ ҚИЛИБ** кузатиб турганига қарамай сездирмаган ҳолда.
- **КЎЗ(И) ОЛМА-КЕСАК ТЕРИБ** ҳар тарафга аланглаб.
- **КЎЗ(И) ОЧ** овқатга ташланувчан, кўп овқат билан ҳам тўймайдиган.
- **КЎЗ(И) ТЎЙМАЙДИ** 1 ҳар қанча назар солса ҳам, қониқмаслик. 2 мол-мулкка ҳар қанча эга бўлса ҳам, етарли деб билмаслик.
- **КЎЗ(И) УЙҚУГА КЕТИБДИ** ухлай бошламоқ.
- **КЎЗ(И)И ЎТКИР** кўриш қобилияти жуда яхши.
- **КЎЗ КЎРМАГАН, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН** мутлақо номаълум, нотаниш, ҳеч ким билмайдиган.
- **КЎЗЛАР(И)ДАН ҚОН ТОМАРДИ** вазоҳатидан ҳамла қилиб аламдан чиқиш нияти кўриниб турибди.

- КҰЗНИ ОЛАДИ қараган кишини ўзига маҳлиё қилиб қўяди.
- КҰЗНИ ЧАЛҒИТМОҚ адаштириш мақсадида диққатни четга, бошқа нарсага қаратмоқ.
- КҰЗ ОЧИБ ЮМГУНЧА жуда қисқа муддатда, тезда.
- КҰЗ СУЗМОҚ эътиборини жалб қилиш мақсадида ноз-қарашма билан қарамоқ.
- КҰЗ ТАГИГА ОЛМОҚ бирор мақсад билан кўзлаб қўймоқ.
- КҰЗ УРИШТИРМОҚ бир-бирига маъноли қараб олмоқ.
- КҰЗ ҚИРИ БИЛАН ён томонга сездирмаган ҳолда қараб.
- КҰЗ ҚОРАЧИҒИ(И) якка-ю ягона ва қадр-қиймати беқиёс юксак кишиси.
- КҰКРАҒ(И)ДАН ИТАРМОҚ яқин муносабатда бўлмасликка ҳаракат қилмоқ.
- КҰКРАҒ(И) ТОҒДАЙ КҰТАРИЛДИ хурсанд бўлиб, бениҳоя руҳланмоқ.
- КҰНГИЛ БЕРМОҚ севиш, ошиқ бўлмоқ.
- КҰНГЛИ УЗОҚЛАШДИ қадрдонлик алоқалари йўқола бошлади.
- КҰНГИЛ ҚҰЙМОҚ севиш ҳиссига эрк бермоқ. (қиз билан йигит).
- КҰНГЛ(И) БЕЖО руҳан нотинч, безовта.
- КҰНГЛ(И) БҰШАДИ руҳий кечинмалар таъсирида йиғлаб юбориш ҳолатига етмоқ.
- КҰНГЛ(И)ГА ТУТМОҚ 1 (гапни) ўрни келганда айтишни мўлжаллаб қўймоқ. 2 аҳд қилмоқ. 3 фикран белгилаб қўймоқ. 4 унутмай ичида сақламоқ.
- КҰНГЛ(И)ГА ҲИТМОҚ маъқул келмоқ, мойиллик ҳиссини уйғотмоқ.
- КҰНГЛ(И)ГА ҚҰЛ СОЛМОҚ энг яширин фикр-ўйини билишга ҳаракат қилмоқ.
- КҰНГЛ(И) ЁРИШДИ кўнглидаги ғашлик тарқалди.
- КҰНГЛ(И) ЗИМЗИЁ ўта даражада ғамгин.
- КҰНГЛ(И)НИ БҰЛМАСЛИК ҳар хил ўй-хаёлларга бориб ўзини хафа қилмаслик.
- КҰНГЛ(И)НИ КҰТАРМОҚ руҳлантирмоқ.
- КҰНГЛ(И)НИ ОЛМОҚ хурсанд қилиш билан ўзига хайрихоҳ қилмоқ.
- КҰНГЛ(И) ОҒРИДИ ранжимоқ.
- КҰНГЛ(И) СОВУДИ аввалги яхши муносабати йўқ бўлди.
- КҰНГЛ(И) ТОЗА яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган.
- КҰНГЛ(И) ТҰҚ ишонган ҳолда хотиржам.
- КҰНГЛ(И) ЧОПМАДИ ички ҳис-туйғу таъсирида жазм қилмаслик, амалга оширишни истамаслик.
- КҰНГЛ(И) ЯРИМТА хотиржамлигини йўқотган.
- КҰНГЛ(И) ҒАШГА ТҰЛДИ қаттиқ ташвишда бўлмоқ.
- КҰПГА КЕЛГАН ТҰЙ кўпчиликнинг бошига тушган иш.
- КҰПНИ КҰРГАН турмуш тажрибаси бой, ҳаётнинг паст-баландини билладиган.
- КҰРПА(СИ)ГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТМОҚ имкониятини ҳисобга олиб иш тутмоқ.
- КҰЧАСИГА КИРМОҚ бирор фаолиятни бошламоқ.

Л

- **ЛАБ(И) ЛАБ(И)ГА ТЕГМАЙ** жуда тез ва кўп (“гапирмоқ”).
- **ЛАБ(И)НИ ТИШЛАМОҚ** кутилимаган ҳодисага дуч келмоқ, нима дейишини билмай қолмоқ.
- **ЛАТТАСИ ЧИҚИБ ҚОЛДИ** ғараз билан, ёмон ният билан қилинган иш экани ошкор бўлди.
- **ЛОФ УРМОҚ** ҳақиқатга тўғри келмайдиган гапларни ортиқ даражада бўрттириб гапирмоқ.
- **ЛУҚМА ТАШЛАМОҚ** бирор кишининг нутқи давомида шу нутқни бўлувчи сўз-гап илова қилмоқ.

М

- **МАДРАСА ТУПРОҒИНИ ЯЛАМОҚ** мадрасада кўп йиллар машаққатли таҳсил кўрмоқ.
- **МАЗА(СИ) КЕТДИ** 1соғлиғи ёмонлашди. 2 бирор иш ёмонлашди, инқирозга юз тутди.
- **МАЙДА ГАП** бўлар-бўлмас гапларни дастак қилиб гапириб юрувчи.
- **МАСАЛАНИ КўНДАЛАНГ ҚўЙМОҚ** бирор фикр-мулоҳазани қатъият билан ўртага ташлаб, ҳал этилишини талаб қилмоқ.
- **МАҒЗАВА(СИ) ЧИҚДИ** шарманда, шармсор бўлмоқ.
- **МАҒЗИНИ ЧАҚМОҚ** маъносини таг-тубигача ўрганиб англаб етмоқ.
- **МЕЪДАСИ ТўҚ** ўлиниб ташланмайдиган, ўзини тия оладиган.
- **МЕҲРИ ТОШ** бемехр, илтифоти йўқ, тошбағр.
- **МИНГ ОҲАНГГА ТУШМОҚ** кўп марта кимнингдир истаги бўйича ҳаракат қилмоқ.
- **МИСИ ЧИҚДИ** асл моҳияти, асл қиёфаси фош бўлди.
- **МИЯ(СИ)НИ ҚОҚИБ, ҚўЛ(И)ГА БЕРМОҚ** сўрайвериб, миясини чарчатмоқ, сергаплиги билан бездирмоқ.
- **МОЗОР БОСИБ КЕЛГАН** узоқ ердан, табарруқ жойлардан ўтиб келган.
- **МОҒОР БОСИБ ЁТМОҚ** ҳеч нарсага аралашмай, кўп нарсани кўрмай, беҳабар кун кечирмоқ.
- **МУМ ТИШЛАМОҚ** мутлақо гапирмаслик, суҳбатда мутлақо қатнашмаслик.
- **МУШТДАЙ БОШ(И)ДАН** ёшига номуносиб тарзда эрта.

Н

- **НАЗАР(И) ПАСТ** 1 арзимаган нарсани қўлга киритиш учун ўз иззат-обрўсидан воз кечадиган. 2 катта иш учун жуда кичик нарсанигина раво кўрадиган.
- **НАЙЗАГА ОЛМОҚ** рад этиб бўлмас даражада узил-кесил қарши гапирмоқ.
- **НАФАС(И)НИ СОВУҚ ҚИЛМОҚ** ёмонлик юз беришини гапирмоқ ва кутмоқ.
- **НАФАС(И) СОВУҚ** ёмонлик юз беришини гапирадиган ва кутадиган.

- **НАФАС(И) УТКИР** дуоסי ижобат бўладиган. (диний)
- **НАҒМА ЧИҚАРМОҚ** кутилмаган салбий ишлар қилмоқ.
- **НОМАЪҚУЛ БУЗОҚНИНГ ГЎШТИНИ ЕМОҚ** бехорчи, бемаъни фикрни билдирмоқ.
- **НОМ(И)НИ СОТМОҚ** ўзга кишининг номидан унинг рухсатисиз гапирмоқ, ўзга кишининг номини пеш килиб иш битирмоқ.
- **НОМ ҚОЛДИРМОҚ** вафотидан кейин хотирлаш учун асос бўладиган эзгу ишлар қилмоқ.
- **НОН(И) БУТУН** тирикчилик учун зарур ҳамма нарсаси муҳайё.
- **НОН(И)НИ ТУЯ ҚИЛМОҚ** бўш-баёвлигидан фойдаланиб, алдаб-сулдаб ҳақини ўзлаштирмоқ.

О

- **ОБРЎЙ(И) БАЛАНД** катта нуфузга эга.
- **ОВОЗАСИ КЕТГАН** турли гап-сўз тарқалиб танилган.
- **ОДАМГАРЧИЛИКДАН ЧИҚМОҚ** инсонпарварлик хислатидан маҳрум бўлмоқ; кишилар билан ёмон муносабатда бўлмоқ.
- **ОДАМ ҚАТОРИДА КЎРМАСЛИК** муомала қилишга лойиқ деб билмаслик.
- **ОЁҚ УЧИ БИЛАН КЎРСАТМОҚ** назарга илмай, менсимай муносабатда бўлмоқ.
- **ОЁҚ-ҚЎЛИ ЕНГИЛ** югуриб-елиб хизмат қиладиган.
- **ОЁҒ(И)ГА БОЛТА УРМОҚ** мавқеидан маҳрум этадиган зарба етказмоқ.
- **ОЁҒ(И)ДАН ТОРТМОҚ** мавқеига футур етказадиган хатти-ҳаракат қилмоқ.
- **ОЁҒИ ЕНГИЛ** енгилтак, суюқ.
- **ОЁҒ(И)НИ ОСМОНДАН КЕЛТИРМОҚ** мағлуб қилмоқ; ўнгланиб ололмайдиган даражада зарба бермоқ.
- **ОЁҒ(И)НИ ТИРАБ ОЛМОҚ** ўз фикрининг амалга ошишини қайсарлик билан талаб қилмоқ.
- **ОЁҒ(И) СИЙРАКЛАШДИ** қатнови камайди.
- **ОЙЛА ҚЎРМОҚ** ўзаро оилавий ҳаёт кечирмоқ.
- **ОЛАМ ГУЛИСТОН** ҳамма нарса кўнгилдагидай, ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқ. (эргаш гапга бош гап бўлиб келади)
- **ОЛА ХУРЖУН ЕЛКА(СИ)ГА ТУШДИ** ўйланиб, туркум ташвишларини зинмага олмоқ.
- **ОЛД(И)ГА ПОХОЛ СОЛМОҚ** асли асоссиз, лекин ишонтириш осон бўлган далил-мулоҳаза билан лақиллатмоқ, алдамоқ.
- **ОМАД(И) ЮРИШДИ** қулайлик пайдо бўлиб, иши яхши ривож топа бошлади.
- **ОНАСИ ЎПМАГАН** эркак кишининг қўли ҳам тегмаган, ифбатли, пок.
- **ОНА СЎТ(И) ОҒЗ(И)ГА КЕЛДИ** ҳаддан ташқари қийналиб кетмоқ.
- **ОНА СЎТ(И) ОҒЗ(И)ДАН КЕТМАГАН** ҳали ёш, тажрибасиз. (салбий).
- **ОРАГА КИРМОҚ** икки тарафни келиштириш мақсадида аралашмоқ.
- **ОРА(ЛАРИ)ДАН ҚИЛ (ҲАМ) ЎТМАЙДИ** ниҳоятда аҳил, иноқ, яқин.

- **ОРЗУ(СИ) УШАЛДИ** эзгу истак-нияти рўёбга чиқди.
- **ОРА(ЛАРИ)НИ БУЗМОҚ** ўзаро муносабатини ёмонлаштиримоқ.
- **ОРҚАГА СУРМОҚ** амалга оширишни кейинга қолдирмоқ.
- **ОРҚА(СИ)ДАН КЕСАК ОТМОҚ** олдида эмас, кетганидан кейин ёмонлаб гапирмоқ.
- **ОСМОН УЗИЛИБ, ЕРГА ТУШИБДИМИ?! (... ТУШАРМИДИ?!)** ҳеч қандай фавқуллодда ҳодиса содир бўлгани йўқ (... содир бўлмайди).
- **ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ** нажот кутадиган ер йўқ, ҳар қандай илож-имконият йўли берк.
- **ОТА ГҲРИ—ҚОЗИХОНАМИ?** жанжаллашиб, хафалашиб ўтиришга арзимаيدди.
- **ОТА(СИ)НИ ҲАМ АЯМАСЛИК** ҳеч кимни юз-хотир қилиб ўтирмаслик, ўзини қарши гапиришдан, қўпол ҳаракат қилишдан тиймаслик.
- **ОТДАН ТУШСА(...)** ҲАМ, **ЭГАРДАН ТУШМАСЛИК** мавқеини йўқотганига қарамай, ўзини аввалгидай тутмоқ.
- **ОТНИНГ ҚАШҚАСИ** ўта даражада таниқли.
- **ОТНИ ҚАМЧИЛАМОҚ** фурсатни қўлдан бой бермай, тadbиркорлик билан тез ҳаракат қилмоқ.
- **ОФТОБДА ҚАТИҚ ИЧИШГАН** озми-кўпми танишлиги бор, жуда узоқ.
- **ОЧИҚ ЧЕҲРА БИЛАН** яхши кайфият билан, хуштабиатлик билан.
- **ОЧ ҚОРНИМ, ТИНЧ ҚҲЛОҒИМ** ҳеч нарсага интилмасдан, мавжуд ҳолатнинг ўзига қаноат қилиб яшаш тарафдори эканликни билдиради.
- **ОҚ КҲНГИЛЛИК** тўғрилиқ, ёмонликни билмаслик.
- **ОҚНИ ОҚҚА, ҚОРАНИ ҚОРАГА АЖРАТМОҚ** яхшини яхши деб, ёмонни ёмон деб кўрсатиш.
- **ОҚ-ҚОРАНИ ТАНИМОҚ** яхши-ёмонни, фойда-зарарни билмоқ; ҳаёт тажрибасига эга бўлмоқ.
- **ОҒЗ(И) БҲШ** кўрган-билганини сир сақлай олмайдиган, бировга айтиб қўядиган.
- **ОҒЗ(И)ГА КҲЧИ ЕТМАГАН** билиб-билмай гапиришдан ўзини тия олмайдиган.
- **ОҒЗ(И)ГА ТАЛҚОН СОЛМОҚ** мутлақо гапирмаслик, суҳбатда мутлақ қатнашмаслик.
- **ОҒЗ(И)ГА ҚАРАТМОҚ** нутқи билан маҳлиё қилиб олиш.
- **ОҒЗ(И)ДАН БОЛ ТОМАДИ** ширинсуҳан бўлмоқ, ширинсуҳанлик қилмоқ.
- **ОҒЗ(И) МАҲКАМ** кўрган-билганини сир сақлай оладиган, бировга айтиб қўймайдиган.
- **ОҒЗ(И)НИ МОЙЛАМОҚ** мойил қилиш мақсади билан олдиндан совғасалом бермоқ, зиёфат қилмоқ.
- **ОҒЗ(И)НИНГ ТАНОБИ ҚОЧДИ** беҳад севинмоқ, хурсандлиги туфайли лаб-лўнжини йиғиштириб ололмаслик.
- **ОҒЗ(И)НИ ПОЙЛАМОҚ** бирор фикрни ўзича айтишини кутмоқ.
- **ОҒЗ(И) ҚҲЛОҒ(И)ГА ЕТДИ** беҳад севинмоқ, хурсандлиги туфайли лаб-лўнжини йиғиштириб ололмаслик.
- **ОҒЗ(И) ҚҲЛОҒИДА** ниҳоятда хурсанд.
- **ОҒИЗ-БУРУН ҲПИШМОҚ** апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқ.

- ОҒИР КАРВОН шошилмай, бамайлихотир иш қиладиган, сусткаш.
- ОҒИР ТАБИАТЛИ ўзини сипо тутадиган, бўлар-бўлмасга ҳовлиқиб кета бермайдиган.

П

- ПАЙ(И)НИ ҚИРҚМОҚ мавқеидан маҳрум этадиган зарба етказмоқ.
- ПАЙТАВА(СИ)ГА ҚУРТ ТУШДИ хотиржамлиги бузилиб, бир ерда тинч тура олмаслик, безовта бўлавермоқ.
- ПАСТ ТУШМОҚ олдинги журъат-талабини сусайтирмоқ, бошқа кишининг журъат-талабига ён босмоқ.
- ПАТТА(СИ)НИ ҚЎЛ(И)ГА БЕРМОҚ 1 хотини билан яшамаслигини айтиб, орани очиқ қилмоқ. 2 узил-кесил умидини узиб жўнатмоқ. 3 вазифасидан бўшатмоқ; ҳайдамоқ.
- ПАШША ҚЎРИМОҚ фойдали, кўзга кўринарли иш билан шуғулланмаслик, вақтни бефойда ўтказмоқ.
- ПЕШАНА(СИ)ДАГИНИ КЎРМОҚ азалдан белгилаб қўйилган воқеа-ҳодисаларни бошпидан кечирмоқ.
- ПЕШАНА(СИ)НИНГ ШЎРИ тақдирида ёзилган жабр-кулфат.
- ПИНЖ(И)ГА КИРМОҚ сўзи, хатти-ҳаракати билан кўнглини топиб, яқин кишиси бўлиб олмақ.
- ПИХ(И) ҚАЙРИЛГАН ўтакетган уддабурон, қув.
- ПИЧИНГ ОТМОҚ шаънига тегадиган қилиб гапирмоқ.
- ПОПУТ(И) ПАСАЙДИ ҳаракат-фаолиятидаги қатъийлик, кескинлик деярли йўқолди.
- ПУЛГА ЧАҚМОҚ қийматини пул билан ҳисоб-китоб қилмоқ.

Р

- РАНГ(И) БЎЗ БЎЛИБ КЕТДИ қўрқувдан, жаҳлдан юзидаги қизиллик йўқолди.
- РИЗҚ(И)НИ ТЕРИБ ЕБ ЮРМОҚ насибасига яраша тирикчилигини ўтказмоқ.
- РУҲ(И) ЕНГИЛ руҳий азоб-ташвишдан ҳоли.
- РУҲ(И) ЕНГИЛЛАШДИ руҳий азобланиши тарқади.
- РЎЗҒОР((И)НИ) ТЕБРАТМОҚ оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаб турмоқ.

С

- САВЛАТ(И)ДАН ОТ ҲУРКАДИ ташқи қиёфаси салобатли, лекин маънавий дунёси камбағал; қуруқ савлатга зўр берган.
- САЛОБАТ(И) БОСДИ кимнингдир мавқеи, обрў-эътибори таъсирида ўзини одатдагидай эркин тута олмаслик.
- САРИҚ ЧАҚАГА АРЗИМАСЛИК ҳеч қандай қийматга эга эмас.
- САФСАТА СОТМОҚ асоссиз, беъмани гапларни кўп гапирмоқ.

- СЕВИНЧ(И) ИЧ(И)ГА СИГМАЙДИ хурсандлиги ошиб-тошиб кетди.
- СИРКА(СИ) СУВ КЎТАРМАЙДИ танқидга мутлақо чидамайди.
- СИХ ҲАМ КЎЙМАСИН, КАБОБ ҲАМ ҳар икки томон манфаатини ҳисобга олмоқ.
- СИҚИБ, СУВ(И)НИ ИЧМОҚ тежаб-тергаб, зуғум ўтказиб қийнамоқ.
- СОВУН(И)ГА КИР ЮВМАСЛИК феъл-атвори ёмон эканини ҳали билмаслик, феъл-атвори намоён бўладиган шароитга дуч келмаслик.
- СОЗ(И) КЕЛИШМАДИ феъл-атвори бирор жиҳатдан бир-бирига мос келмаслик.
- СОЯ(СИ)ГА КЎРПАЧА СОЛМОҚ иззат-ҳурмат қилишни меъёридан ўтказиб юбормоқ.
- СОЯ(СИ)ДА ҚОЛИБ КЕТМОҚ бири иккинчиси туфайли эътиборсиз ҳолатга ўтмоқ.
- СОҚОЛ(И) ОҚАРДИ бирор хизматга умрининг талай қисмини сарфлаб тажриба орттирмоқ.
- СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚМОҚ мушкул вазиятдан, жазодан нопок йўл билан қутулиб қолмоқ.
- СУВНИ ЛОЙҚАЛАТМОҚ орада ишончсизлик, ихтилоф келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқ.
- СУВ ҚУЙГАНДАЙ ҳеч қандай товуш-шарпа йўқ.
- СУЯГ(И) ЙЎҚ 1 машқини олган, жуда уста. 2 ишқибоз, ўта даражада берилган. 3 ўз ҳунарини мукаммал эгаллаган.
- СУЯК СУРМОҚ наслдан наслга ўтмоқ.
- СУҚ(И) КИРДИ эҳтирос билан суқланиб қарамоқ.
- СЎЗ(И)ДА ҚАТТИҚ ТУРМОҚ ўз фикрини ўтказишга интилиб қайсарлик қилмоқ.
- СЎЗ(И) ЎТДИ айтгани инobatга олинди (маъқулланди).
- СЎЗ СЎРАМОҚ музокарада расмий гапириш истагини билдирмоқ.
- СЎНГИ ТОМЧИ ҚОН(И) ҚОЛГҲНЧА бутун борлигини, ҳаётини баҳшида қилган ҳолда.

Т

- ТАВБА(СИ)ГА ТАЯНМОҚ ўз ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, уз сўрашга тайёр бўлмоқ.
- ТАГ(И) БЎШ қўллаб-қувватлайдиган таянчиги йўқ; фикр-далиллари асосли эмас.
- ТАГИГА СУВ КЕТДИ кескин камаймоқ; йўқ бўлиш даражасига етмоқ.
- ТАЙЁР ОШГА БАКОВУЛ бошқалар меҳнати самарасидан ўзи ҳисса қўшмай фойдаланувчи (киши).
- ТАЛВАСАГА ТУШМОҚ кучли қўрқув аралаш руҳан эзилмоқ.
- ТАН ОЛМОҚ эътироф қилмоқ.
- ТАРВУЗ(И) ҚЎЛТИҒ(И)ДАН ТУШДИ умиди пучга чиқиб, бўшашмоқ.
- ТАРОЗИ БОСАДИГАН мазмуни, муҳимлиги билан устунлигини таъминлайдиган.
- ТАХИ БУЗИЛМАГАН ҳали истеъмолда бўлмаган.

- **ТАХТА-ЎҚЛОҒИНИ ЙИҒИШТИРМОҚ** бирор фаолият билан шуғулланишни тўхтатишмоқ.
- **ТАХТДАН ТУШМОҚ** ҳукмдорлик лавозимидан маҳрум бўлмоқ.
- **ТАЪБ(И) ТИРРИҚ БЎЛДИ** кайфияти ёмонлашди
- **ТАЪБ(И) ХИРАЛАШДИ** кайфияти ёмонлашди.
- **ТАЪЗИР(И)НИ БЕРМОҚ** енгил-елпи жазоламоқ.
- **ТЕГИРМОНГА ТУШСА(...), БУТУН ЧИҚМОҚ** ҳар қандай қийин шароитдан ҳам қутулиш йўлини топа олмақ.
- **ТЕГИРМОН(И)ГА СУВ ҚУЙМОҚ** билиб-билмай ўз фаолияти билан номақбул томонни қўлаб-қувватлайдиган иш қилиб қўймоқ.
- **ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОСМОҚ** бирор ишни айни вақтида қилмоқ.
- **ТЕПАСИДА ТУРМОҚ** бош-қош бўлиб кузатишмоқ.
- **ТЕРИ(СИ)ГА СОМОН ТИҚМОҚ** жуда қаттиқ жазоламоқ.
- **ТЕША ТЕГМАГАН** бутунлай янги, ҳозиргача ишлатилмаган.
- **ТИЛ БИРИКТИРМОҚ** яширин ҳолда келишиб олмақ.
- **ТИЛ(И) АЧЧИҚ** кишининг таъбига тегиб гапирадиган.
- **ТИЛ(И) БОРМАДИ** бирор андиша-мулоҳаза билан айтишни маъқул кўрмаслик.
- **ТИЛ(И)НИНГ УЧИДА ТУРМОҚ** била туриб, шу дақиқада хотирасида тиклаб айта олмаслик.
- **ТИЛ(И) ЎЗУН** ҳар қанча гапирса, ҳақи бор.
- **ТИЛ(И) ЎТКИР** гапларида мантиқ кучли, фикр ифодалашга уста.
- **ТИЛ(И) ҚИЧИДИ** гапиргиси келди.
- **ТИЛНИ ЁРМОҚ** ўта даражада ширин.
- **ТИЛ ТОПИШМОҚ** бир-бирининг фикр-ўйини билиб, ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришга келишмоқ.
- **ТИРНОҚ ОРАСИДАН КИР ИЗЛАМОҚ** ёмон ният билан айб, хато-камчилик топишга ҳаракат қилмоқ.
- **ТИРНОҚҚА ЗОР БЎЛМОҚ** бефарзандлик ўкинчи билан яшамоқ.
- **ТИШ(И)НИНГ КИРИНИ СУРМОҚ** егани ҳеч нарсаси йўқ ҳолатда бўлмоқ.
- **ТИШНИ ТИШ(И)ГА ҚЎЙМОҚ** бутун ҳис-туйғусини ирода кучи билан енгиб чидамоқ.
- **ТИШ(И)НИ ҚАЙРАБ** фурсат келганда қасдини, аламини олишга шайланиб.
- **ТОБИГА КЕЛМОҚ** 1 қайнаб етилмоқ. 2 бирор фаолиятга тайёр бўлмоқ, етилмоқ.
- **ТОВОН(И)ГА ҚОЛМОҚ** ўлимига сабабчи бўлмоқ, жавобгарликка тортилмоқ.
- **ТОМОҒ(И) ТАҚИРЛАБ КЕТДИ** бетоқат бўлиш даражасида сувсамоқ.
- **ТОШГА АЗОН АЙТГАН БИЛАН БАРОБАР** мутлақо бетаъсир, бефойда.
- **ТОШ ҚОТИБ** мутлақо қимирламай, қимир этмай.
- **ТОҒНИ ТАЛҚОН ҚИЛМОҚ** ҳар қандай катта ва оғир ишни ҳам бажармоқ.
- **ТУЁҒ(И)НИ ШИҚИЛЛАТМОҚ** жўнаб қолимоқ.
- **ТУМШУҒ(И)ДАН ИЛИНМОҚ** бирор ножўя иш билан тutilмоқ.

- **ТУПРОҒ(И) БИР ЕРДАН ОЛИНГАН** бир-бирига ўхшаш. (қиёфаси, феъл-атвори)
- **ТУПРОҒ(И) ЕНГИЛ БЎЛАДИ** арзимаган нарса ҳам гап-сўз бўлишига олиб келади.
- **ТУРМУШГА ЧИҚМОҚ** оила қурмоқ. (аёлларга нисбатан)
- **ТУТГАН ЖОЙ(И)ДАН КЕСМОҚ** айтганида қаттиқ туриб, ўз ҳукмини ўтказмоқ.
- **ТУТУН ҚАЙТАРМОҚ** норозилик билан, таъбга тегадиган қилиб гапирмоқ; оддий гапга қўрслик билан жавоб қайтармоқ.
- **ТУХУМ БОСМОҚ** уйдан эшикка чиқмаслик, ҳеч қандай фойдали иш билан шуғулланмаслик.
- **ТУЯ КЎРДИНГМИ** — ЙЎҚ ўзини билмаганга, кўрмаганга чиқармоқ.
- **ТУЯНИНГ ДУМИ ЕРГА ЕТГАНДА** ҳеч қачон.
- **ТЎРТ КЎЗ БИЛАН** интизорлик билан.
- **ТЎРТ ТАРАФ(И) ҚИБЛА** қаёққа хоҳласанг(из), кетавер(инг).
- **ТЎҒРИ КЎНГИЛ** қувлик, шумликни билмайдиган, номақбул ишни қилмайдиган.

У

- **УЗУН ҚУЛОҚ** 1 гап тарқатадиган, миш-мишларни эшитиш ва тарқатишга ўч одам. 2 қулоқдан қулоққа ўтган, тўғри-нотўғрилиги номаълум.
- **УЙ(И) КЎЙДИ** аянчли, фожеали аҳволга тушмоқ.
- **УМР(И) БИНО БЎЛИБ** туғилгандан бери ҳаётида.
- **УМРНИНГ ЭГОВИ** соғлиққа таъсир қилиб, уни емирувчи.
- **УМР САВДОСИ** йигитнинг, қизнинг оила қуриб, ўла-ўлгунча бирга яшаш ҳақида аҳд-паймони.
- **УСТУН КЕЛМОҚ** кучли бўлиб чиқмоқ.
- **УЯ ҚЎЙМОҚ** мустаҳкам ўрнашиб олмақ.

Ф

- **ФАЛСАФА СОТМОҚ** бефойда, ноўрин гапларни узундан-узоқ гапирмоқ.
- **ФИҒОН(И) ФАЛАККА ЧИҚДИ** руҳан ортиқ даражада бўғилиб шовқин қилмоқ.

Х

- **ХАЁЛГА ТОЛМОҚ** узоқ ўйланмоқ.
- **ХАЁЛ(И) КЕТДИ** ғайришуурий равишда ўйланиб қолмоқ.
- **ХАЁЛ(И)НИ ОЛИБ ҚОЧМОҚ** ўй-фикрини ўзига тортмоқ.
- **ХАМИРДАН ҚИЛ СУҒУРГАНДАЙ** осонлик билан, ҳеч қандай қийинчиликсиз.
- **ХАШАГ(И) ОЧИЛДИ** айбли, ножўя иши фош бўлди.
- **ХИРМОН КЎТАРМОҚ** экин-тикинни йиғиб, ҳосил меъёрини ҳисоб-китоб

қилмоқ.

- **ХОДА ЮТМОҚ** ўта даражада кеккаймоқ.
- **ХУДО УРГАН** энг ярамас, қабиҳ.
- **ХУДО УРДИ** 1 ёмон вазиятга тушмоқ. 2 иш расво бўлди.
- **ХУДО ХОҲЛАСА** насиб бўлса, амалга ошса, рўёбга чиқса.
- **ХЎЖА КЎРСИНГА** шунчаки, номигагина.

Ч

- **ЧАКАГ(И)НИ ЎЧИРМОҚ** гапдан, йиғидан тўхтатмоқ.
- **ЧАНГИНИ ЧИҚАРМОҚ** бир зумда еб тамом қилмоқ.
- **ЧАП КЎЗИНГ ЎНГ КЎЗИНГА ДЎСТ БЎЛМАЙДИ** энг яқин кишилар орасида ҳам аҳиллик йўқолган.
- **ЧЕҲРА(СИ) ЁРИШДИ** хафачилиги, ёмон кайфияти бир оз тарқади.
- **ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД** энг охирги илинж билан қилинадиган ҳаракат.
- **ЧОРИҒ(И)НИ СУДРАМОҚ** зўрға-зўрға, амал-тақал қилиб яшамоқ, тирикчилик ўтказмоқ.
- **ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАМОҚ** хом хаёл қилиб юрмоқ, хомтама бўлмоқ.
- **ЧЎҒИ ПАСТ** ривож, ҳосили одатдагидан оз.

Ш

- **ШАМОЛГА СОВУРМОҚ** беҳуда сарфламоқ.
- **ШАМОЛ ТЕГСА, ЙИҚИЛГУДАЙ** ўта озгин ва мадорсиз.
- **ШОХИДА МАЙИЗ БЎЛГАН** балоғат ёшидан ўтган, қаримсиқ тус олиб қолган.
- **ШЎР(И)ГА ШЎРВА ТЎКИЛДИ** катта бахтсизликка йўлиқмоқ, хароб бўлмоқ.

Э

- **ЭГАРЛАНГАН ОТДЕК** йўлга чиқиш учун тап-тайёр, шай.
- **ЭГРИ ЙЎЛ** ғайри қонуний, ғайри ахлоқий ҳатти-ҳаракат, чора-тадбир.
- **ЭЛ ОҒЗИГА ЭЛАК ТУТИБ БЎЛМАЙДИ** ҳар ким ўз билганича гапирaveraди, ҳеч кимни гапирма деб таъқиқлаб бўлмайди.
- **ЭНСА(СИ) ҚОТДИ** ранжиб, нохўш бўлмоқ.
- **ЭС(И) БУТУН** англаш-билиш қобилияти бенуқсон, нормал фикрлайдиган.
- **ЭС(И)ГА ҲАМ КИРИБ ЧИҚМАСЛИК** мутлақо ўйламаслик, идрок қилмаслик, шундай деб билмаслик.
- **ЭС(И) ЖОЙИДА** хотирлаш қобилияти дуруст; хотираси сақланган.
- **ЭС(И)НИ ТАНИМОҚ** гўдаклик давридан чиқиб, онгли ҳаёт йўлига кирмоқ.
- **ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС** ҳеч қандай ўзгаришсиз; илгари қандай

бўлса, ҳозир ҳам шундай.

- ЭС-ҲУШ(И)НИ ОЛИБ ҚЎЙМОҚ ўзига ўтакетган даражада маҳлиё қилиб олмоқ.
- ЭТАГ(И)НИ ҚОҚМОҚ кўнгли қолгани, хафсаласи пир бўлгани туфайли нарсага даъвогар бўлмагани ҳолда воз кечмоқ.
- ЭТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ БИЗНИКИ бирор киши билан қандай лозим топса - шундай муомала қилишга тўлиқ ҳуқуқ беришни билдириб айтиладиган ибора.
- ЭТИ СУЯГИГА ЁПИШГАН ҳаддан ташқари озғин, ҳаддан ташқари қотма.
- ЭШИКДАН КЕЛМАЙ ТЕШИКДАН шу заҳотиёқ, дарҳол.

Ю

- ЮЗАГА ЧИҚМОҚ 1 кўнглидаги истак-режалар воқеликка айланди. 2 моддий-маънавий ожизликдан халос бўлмоқ.
- ЮЗ(И)ГА ОЁҚ ҚЎЙМОҚ беҳурмат қилиш даражасида ҳисоблашмаслик.
- ЮЗ(И)ГА СОЛМОҚ айбли деб қаралган кишининг ўзига шу ҳақда кесатиб, ачитиб гапирмоқ.
- ЮЗ(И)ГА ҚОН ЮГУРДИ уятли, ноқулай аҳволга тушиб қизармоқ.
- ЮЗИНГДА КЎЗИНГ БОРМИ ДЕМАЙ ҳар қандай юз-хотир, уят-андишани писанд қилмай.
- ЮЗИНИ КЎРМАСЛИК рўпара келмаслик, дучор бўлмаслик; фойдаланмаслик.
- ЮЗИ ҚОРА ножўя хатти-ҳаракатлари билан иззат-обрўсини йўқотган, эл-юрт дашномига учраган.
- ЮЗ ЎЙЛАБ, БИР СЎЗЛАМОҚ ўз фикр-мулоҳазасини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан билдирмоқ.
- ЮЛДУЗ(И) ЮЛДУЗ(И)ГА ТЎҒРИ КЕЛДИ мос бўлмоқ.
- ЮМАЛОҚ-ЁСТИҚ ҚИЛИБ наридан бери, чала-чулпа, юзаки.
- ЮРАГ(И)ГА ЎТ ЁҚМОҚ таъсир этиб руҳлантирмоқ, сафарбарлик кайфиятини юзага келтирмоқ.
- ЮРАГ(И)ДА ЎТ(И) БОР гайрат-шижоатли.
- ЮРАГ(И) ЖИЗ ЭТДИ бир лаҳза ич-ичидан эзилмоқ.
- ЮРАГ(И) КЕНГ ҳовлиқмасдан, шошмасдан иш тутадиган, оғир.
- ЮРАГ(И)НИ ОЧМОҚ ичидаги истак ёки дардини айтимоқ.
- ЮРАГ(И)НИ ҚИТИҚЛАМОҚ роҳатбахш этадиган ширин ҳис-туйғулар уйғотмоқ.
- ЮРАГ(И) ОРҚА(СИ)ГА ТОРТИБ КЕТДИ бир лаҳза ичида кўрқув аралаш қаттиқ ҳаяжонланмоқ.
- ЮРАГ(И) ТИПИРЧИЛАДИ кечинмаларнинг зўридан безовта бўлмоқ.
- ЮРАГ(И) ТЎЛИБ ТУРИБДИ йиғилиб қолган гапларни айтишга эҳтиёж ҳис этмоқ.
- ЮРАГ(И) ЧИҚИБ КЕТДИ бир лаҳзада кучли ҳаяжонланиш билан қаттиқ кўрқиб кетмоқ.
- ЮРАГ(И) ҚОН БЎЛДИ 1 дилтанг бўлмоқ, зиқ бўлмоқ. 2 руҳан

азобланмоқ.

• ЮРАКДАН ЧИҚАРИБ самимий йўсинда ("гапирмоқ").

• ЮРАК ЮТИБ қўрқмасдан, ботиниб.

Я

• ЯРА(СИ)ГА МАЛҲАМ БЎЛМОҚ бошига мушкул иш тушганда қўллаб-қувватламоқ.

• ЯРА(СИ)ГА ТУЗ СЕПМОҚ ғам-аламини янада кучайтирмоқ.

• ЯРА(СИ)НИ ЯНГИЛАМОҚ унутилаёзган кўнгилсиз воқеани эсга солиб, кўнгилни бузмоқ.

Ў

• ЎТАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАМОҚ ёмон муносабатда бўлмоқ; зарур иш деб билмаслик.

• ЎЗ БИЛГАН(И)ДАН ҚОЛМАСЛИК ўжарлик билан ўз режасини амалга оширмоқ.

• ЎЗ ЁҒ(И)ГА ЎЗ(И) ҚОВУРИЛМОҚ руҳан азобланмоқ, эзилмоқ (фикр-ўйини бошқаларга айтмай).

• ЎЗ(И)ГА ХОН, ЎЗ(И)ГА БЕК нимани хоҳласа - шунини қилишга ҳуқуқли.

• ЎЗИ ЙЎҚНИНГ КЎЗИ ЙЎҚ кўз олдида бўлмаган одамнинг манфаатига ҳилоф иш тутилганда айтиладиган ибора.

• ЎЗ(И)НИ БОСМОҚ ноҳўя, ноўрин хатти-ҳаракатдан тийилмоқ.

• ЎЗ(И)НИ КАТТА ОЛМОҚ мавқеини ортиқ қилиб кўрсатиш.

• ЎЗ(И)НИ ТУТМОҚ бирор хатти-ҳаракатдан, фаолиятдан сақланиб қолиш.

• ЎЗ(И)НИ ЎТГА, СУВГА УРМОҚ ҳар хил ишларни астойдил қилиб кўрмоқ.

• ЎЗ(И)НИ ҚЎЛГА ОЛМОҚ ўз хатти-ҳаракатини иродасига бўйсундирмоқ.

• ЎЙИН БУЗУҚИ орага раҳна солувчи, ёмонликни бошловчи, ғаламис.

• ЎЙ СУРМОҚ ҳамма нарсани унутган ҳолда фикрламоқ.

• ЎЛГАННИНГ УСТИГА ЧИҚИБ ТЕПМОҚ бир кўнгилсиз иш устига яна бошқа бир кўнгилсиз ишни қилиш.

• ЎЛ ДЕСАНГ - ЎЛСА, ТИРИЛ ДЕСАНГ - ТИРИЛСА мутлақо итоаткор, батамом муте бўлмоқ.

• ЎПКА(СИ) ОҒЗ(И)ГА ТИҚИЛДИ кучли ҳаяжонланиб қўрққанидан энтикиб кетмоқ.

• ЎПКА(СИ)НИ ҚЎЛТИҚЛАМОҚ меъёрдан ортиқ ҳовлиқмоқ.

• ЎПКА(СИ) ТЎЛДИ изтироб чекиб, йиғлаб юбориш ҳолатига етмоқ.

• ЎРТАГА ОЛМОҚ танбеҳ бериш ёки кўндириш мақсадида кўплашиб гапирмоқ.

• ЎРТАГА ТАШЛАМОҚ фикрлашиш мақсадида ўз мулоҳазаларини бошқаларга айтиш.

• ЎРТАДА ТУРМОҚ икки тарафга воситачи сифатида фаолият кўрсатиш.

• ЎТГАННИНГ ЎРОҒИНИ, КЕТГАННИНГ КЕТМОНИНИ ОЛМОҚ дуч

келган кишига енгилтақлик билан озор бермоқ.

- **ЎТТИЗГА КИРИБОҚ ЎТИН БЎЛМОҚ** аёллиқ латофатини эрта йўқотмоқ.
- **ЎТҚАЗГАНИ ЖОЙ ТОПОЛМАСЛИК** ўта даражада ардоқламоқ, парвона бўлмоқ.
- **ЎҚДАЙ ОТИЛИБ** шиддат билан, жуда тез ("чиқмоқ").
- **ЎҚ ЕМОҚ** ярадор бўлмоқ.

Қ

- **ҚАДАМ(И)НИ ЙИФИШТИРМОҚ** бирор даргоҳга боришни тўхтатмоқ.
- **ҚАДАМ(И)НИ ҚИРҚМОҚ** бирор ерга келмайдиган қилиб қўймоқ.
- **ҚАДД(И) ДОЛ БЎЛДИ** гавданинг белдан юқори қисминини кўтара олмай энқайиб қолмоқ.
- **ҚАДД(И)НИ РОСТЛАМОҚ** эгилган ҳолатдан тик ҳолатга ўтмоқ.
- **ҚАЙСИ ШАМОЛ УЧИРДИ?** бу томонга келишинг(из)га нима сабаб бўлди?
- **ҚАМЧИСИДАН ҚОН ТОМАДИ** шафқатсиз, золим.
- **ҚАНОТ(И)НИ ЁЗМОҚ** лаёқат ва имкониятларини тўлиқ намоён қилмоқ.
- **ҚАНОТ(И)НИ ҚАЙИРМОҚ** жисмоний ёки маънавий зарар етказиб, ҳаракат-фаолиятга зарба бермоқ.
- **ҚАНОТ(И) ОСТИДА САҚЛАМОҚ** ҳомийлик қилиб турмоқ, ҳимоя қилишда давом этмоқ.
- **ҚАТТИҚ БОТМОҚ** адолатсиз деб билгани учун малол келмоқ.
- **ҚАТТИҚ ТУРМОҚ** ўз айтганининг амалга ошишини қатъий талаб қилмоқ.
- **ҚАТТИҚ ҚЎЛ** талабчан.
- **ҚИЛДАН ҚИЙИҚ ТОПМОҚ** ёмон ният билан арзимаган, майда-чуйда камчиликларни писанд қилмоқ.
- **ҚИЛНИ ҚИРҚҚА ЁРМОҚ** ўта синчковлик билан текширмоқ.
- **ҚОВОҚ-ТУМШУҒ(И) ОСИЛДИ** ранжиганини, хафа бўлганини қовоқларини қуйироққа тушириб, бошини эгиб билдирмоқ.
- **ҚОВОҒ(И)ДАН ҚОР ЁҒАДИ** ўта даражада хафа.
- **ҚОЗОН(И)ГА СУВ ТАШЛАМОҚ** нон-чой билангина тирикчилик қилмоқ, иссиқ овқат истеъмол қилмай қўймоқ.
- **ҚОН(И)НИ СЎРМОҚ** ўз манфаати йўлида узоқ вақт шафқатсиз меҳнат қилдирмоқ.
- **ҚОН(И) ҚАЙНАДИ** аччиқланмоқ, қизишмоқ.
- **ҚОРА(СИ)НИ КЎРСАТМАСЛИК** кимнингдир кўзига кўринмаслик.
- **ҚОРА КУН** турмушнинг азоб-уқубатли даври.
- **ҚОРДАН ҚУТУЛИБ, ЁМҒИРГА ТУТИЛМОҚ** аввалгисидан ҳам ёмонига учрамоқ.
- **ҚОҚҚАНДА ҚОЗИҒ(И), ОСГАНДА ХУРМАЧА(СИ) ҚОЛМАДИ** бутун буд-шудини сарфлаб юбормоқ.
- **ҚУЁШ НАЙЗАДА** кундузнинг энг иссиқ пайти.

- **ҚҰЛОҚ-МИЯ(СИ)НИ ЕМОҚ** сұрайвериб, сергаплиги билан миясини чарчатмоқ; шовқини билан бездирмоқ.
- **ҚҰЛОҒ(И)ГА ҚҰЙМОҚ** 1 гап уқтирмоқ. 2 хотирасида мустақкам сақламоқ.
- **ҚҰЛОҒ(И)НИ ПИШИТМОҚ** нима дейиш, нима қилиш ҳақида махсус тайинламоқ.
- **ҚҰЛОҒ(И) ОФИР** эшитиш қобилиятини анчагина йўқотган.
- **ҚҰЛОҒ(И) ПИШ(И)ДИ** эшитавериб, анчагина ўрганди, тажриба орттирди.
- **ҚУРУҚ ҚОЛМОҚ** ўз манфаати йўлида фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлмоқ.
- **ҚУРУҚ ҚҰЛ БИЛАН** ҳеч нарса олмаган ҳолда.
- **ҚҰЙНИ БҰРИГА ТОПШИРМОҚ** билмай туриб энг номақбул кишига ишонч билдирмоқ, мурожаат қилмоқ.
- **ҚҰЙН(И)ГА ҚҰЛ СОЛМОҚ** фикр-ниятини билишга ҳаракат қилмоқ.
- **ҚҰЙН(И)НИ ПУЧ ЁНҒОҚҚА ТҰЛДИРМОҚ** ёлғон ваъдалар билан алдамоқ.
- **ҚҰЙ ОҒЗИДАН ЧҰП ОЛМАГАН** ниҳоят даражада беозор, мўмин.
- **ҚҰЛГА ОЛМОҚ** 1 ўз ихтиёрига ўтказмоқ. 2 қўққисдан ҳужум қилиб босиб олмақ. 3 ҳибс қилмоқ, қамаш мақсадида тутмоқ. 4 бирор йўл билан ўз хоҳишига бўйсунадиган қилмоқ.
- **ҚҰЛГА ТЕГМОҚ** эга бўлмоқ; бевосита ўзиники бўлмоқ.
- **ҚҰЛ(И) БАЛАНД** рақобатда, мусобақада вазияти устун.
- **ҚҰЛ(И) БҰШАДИ** бирор ишни бажариб бўлмоқ, беиш бўлмоқ.
- **ҚҰЛ(И)ГА ҚАРАМОҚ** беришига боғлиқ бўлмоқ; моддий жиҳатдан қарам бўлмоқ.
- **ҚҰЛИ ГУЛ** ўз ишини жуда моҳирлик билан ва чиройли бажарадиган.
- **ҚҰЛ(И) ЕТАДИ** амалга ошира олмақ.
- **ҚҰЛ(И)НИ БИГИЗ ҚИЛМОҚ** ниқтаб кўрсатмоқ.
- **ҚҰЛ(И)НИ ЮВИБ, ҚҰЛТИҒ(И)ГА УРМОҚ** ихлоси қайтиб, ишонмай қўйиб, диққат-эътиборидан соқит қилмоқ.
- **ҚҰЛ(И) УЗУН** ортиқ даражада имкониятга эга.
- **ҚҰЛ(И) ЭҒРИ** ўзгаларнинг ҳақини, мулкини ўғирлашлик.
- **ҚҰЛТИҒ(И)ГА КИРМОҚ** қўллаб-қувватлаш зарур бўлиб қолганда ёрдам бермоқ.
- **ҚҰЛТИҒ(И)ГА СУВ ПУРКАМОҚ** бирор ишни қилишга ўчакиштирмоқ.
- **ҚҰЛ УЧИДА** ! истар-истамас, шунчаки. 2 бир амаллаб, зўрға-зўрға.
- **ҚҰША ҚАРИМОҚ** умрининг охиригача биргаликда узоқ яшамоқ.

F

- **ҒАЗАБ(И) ҚАЙНАДИ** дарғазаб бўлмоқ, ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ.
- **ҒАЙРАТГА МИНМОҚ** бирор ишни бажаришга кучли иштиёқ ҳис этмоқ.
- **ҒАМ ЕМОҚ** куйиниб қайғурмоқ.
- **ҒИШТ ҚОЛИПДАН КҰЧДИ** энди ўзгартириб, аввалги ҳолатга қайтариб бўлмайди.

Ҳ

- **ҲАВОГА УЧМОҚ** бефойда кетмоқ.
- **ҲАВО(СИ) БАЛАНД** кибрланиш, ўзини манманлик билан тутиши ҳаддан зиёд.
- **ҲАВОСИНИ ОЛМОҚ** малака ошириб, моҳир устаси бўлмоқ.
- **ҲАРОМ ТУК(И)ГА ҲАМ АРЗИМАСЛИК** кимгадир нисбатан ҳеч қандай қадр-қийматга молик бўлмаслик, ўта салбий баҳоланмоқ.
- **ҲАҚ(И)НИ ЕМОҚ** бошқа кишига тегишли нарсани ноҳақ равишда ўзиники қилмоқ.
- **ҲАҚ(И)НИ ТАНИМОҚ** нималар қилиш-қилмасликка ҳуқуқи борлигини билиб олмоқ, ўз ҳуқуқига асосланиб иш қиладиган бўлмоқ.
- **ҲЕЧ ЗОФ ЙЎҚ** бирорта ҳам одам кўринмайди.
- **ҲИД ОЛМОҚ** сезгирлик билан хабардор бўлмоқ, дарагини эшитмоқ.
- **ҲОВУР(И)ДАН ТУШМОҚ** кибр-ҳаво билан, ҳаяжонланиб қаҳр-ғазаб қилиши пасайди.
- **ҲОЛ(И)ГА МАЙМУНЛАР ЙИҒЛАЙДИ** ўзи сабаб бўлгани ҳолда ўта оғир, ачинарли аҳволга тушиб қолмоқ.
- **ҲУНАР КўРСАТМОҚ** яширин салбий хусусиятини ошкор қилмоқ.
- **ҲУШ(И) БОШ(И)ДАН УЧДИ** эсанкирамоқ.
- **ҲУШ(И) КЕТДИ** маҳлиё бўлиб қолмоқ.
- **ҲўКИЗНИНГ ҚУЛОҒИГА ТАНБУР ЧЕРТМОҚ** гап уқтиришга беҳуда уринмоқ.